Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 1 август, сешанба. №92 (21.855.) Сотувда эркин нархда.

Ислом КАРИМОВ:

КЕЛАЖАККА ҚАТЪИЙ ИШОНЧ БИЛАН БОҚАМИЗ

29 июль куни Тошкентда Президент Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва бирлашмалар раҳбарлари иштирок этди. Мажлисда 1995 йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши ва уларни янада ривожлантиришга доир чора-тадбирлар, пул муомаласи ва халқ хўжалигида ҳисобкитобларнинг аҳволи тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.





СУРАТДА: йиғилиш пайти.

Р. НУРИТДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

Бугунги мажлис кун тартибига қўйилган масалалар ҳақида гапирар эканмиз, 1995 йил биринчи ярми якунларини бозор муносабатларига ўтишнинг иккинчи босқичи, яъни ислоҳотларни тезлаштириш ва чуқурлаштириш жараёни билан чамбарчас боғлиқ ҳолда таҳлил қилишимиз лозим, деди Президент. Бунда, аввало, қандай вазифа ва мақсадлар олдимизда турибди, уларни амалга ошириш учун нималар қилиш кераклигини белгилаб олиш муҳимдир.

Шу маънода, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни ҳақиқий эгалари қўлига етказиш мақсадида қилган ишларимизнинг самараси ва суръатларига баҳо беришимиз даркор.

Шуни таъкидлашимиз керакки, бу жараён 1995 йилнинг биринчи ярмида анча **тезлаштирилди ва муайян натижаларга эришилди.** Хусусан, ярим йил мобайнида 4300 корхона давлат тасарруфидан чиқарилди. Июль ойининг ўзида акционерлик жамиятлари сони уч минг олти юздан ошди, улар томонидан 2 миллиард сўмлик акциялар чиқарилди, шунинг асосида қимматли қоғозлар бозори ривожланди. Фонд биржаси, Кўчмас мулк биржаси, Миллий депозитарий каби ташкилотлар ҳам ўз фаолиятида ижобий натижаларга эришди.

Хусусийлаштиришнинг энг асосий натижаларидан бири — **мамлакатда мулкдорлар табақаси пайдо бўлди, жамиятда янги психология, мулкка бўлган янгича муносабат қарор топди.**

Шунга қарамасдан бозор тизимларини ривожлантиришда камчиликлар ҳали ҳам кўп: айниқса йирик корхоналарни хусусийлаштириш ҳаддан ташқари сust боряпти. Айрим йирик корхона раҳбарлари оғир молиявий аҳволни рўкач қилиб, бу масалани пайсалга соляпти. Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзбошқурилишёғочсаноат», «Ўзбектрансқурилиш», «Тошкентўйжойинвестқурилиш» раҳбарлари хусусийлаштириш вазифаларини бажара олмади.

Хоразм, Наманган, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида ҳам хусусий ва кичик корхоналар ташкил этиш борасида ярим йиллик дастурлар бажарилмади.

Айрим тармоқларда хусусийлаштириш барча қуйи погоналарга етиб бормаяпти, уларни қамраб олмаяпти. Масалан, қурилиш тармоғида хусусийлаштириш трестлар ва бирлашмалар даражасида амалга оширилмоқда, холос.

Пудрат ташкилотларини хусусийлаштириш ҳам жуда сust бормоқда, натижада буюртмачилар маблағини юқоридан тақсимлаш усули сақланиб келмоқда. Шу сабабли ҳам республикада **ҳанузгача пудрат ишлари бозори шаклланган эмас.**

Хусусий корхоналар ишининг етарли самара бермаётганлиги бизни ташвишга солмоқда. Бу айниқса қишлоқдаги хусусий ва фермер хўжаликлари фаолиятига тегишлидир. Ташкил бўлган кўп корхоналар, тадбиркорлик тажрибаси йўқлиги, билимлари савияси пастлиги, **ҳокимликлар ва марказий идоралар уларга етарлича ёрдам бермаслиги туфайли** ўз ишини ривожлантира олмаяпти ёки тўхтаб қоляпти.

Шунинг учун бу соҳада ҳали кўп иш қилиниши керак. Яъни **мулкдорлар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш айниқса муҳим аҳамиятга эга.** Чунки тадбиркорлар эҳтиёжни ҳисобга олиб бозорни тўлдиради, ўзи ҳам манфаат кўради, бошқаларга ҳам нафи тегади. Уларни юртпарварлар деб аташ мумкин. Ҳокимликлар, вазирликлар бу масалага жиддий эътибор беришлари керак.

Хусусийлаштиришнинг ҳозирги босқичида иккита вазифа турибди.

Биринчиси — тадбиркорларнинг ишчанлик қобилиятини кескин кўтариш. Шу билан бирга, ўзларини тиклаб олишлари учун **уларга амалий ёрдам бериш, кенг имкониятлар очиш.**

Бу вазифаларни бажаришда куни кеча ташкил қилинган кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи махсус **Бизнес-Фонд** ва шу фонд билан чамбарчас боғланган **Сугурта агентлигика** катта ишонч ва умид билан қарайміз.

Иккинчи вазифа хусусийлаштириш жараёнига аҳолининг барча қатламларини жалб қилиш билан боғлиқдир. Бу эса кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар бозорларини тезлик билан ташкил этиш ва ривожлантиришни талаб этади.

Ҳозирги босқичнинг муҳим вазифаларидан яна бири — бу молиявий барқарорликка эришишдир. Ўтган ярим йил ичида бу соҳада бирмунча ижобий натижалар қўлга киритилди. Хусусан, инфляция даражасининг кескин пасайиши бу борадаги сиёсатимизнинг муҳим натижаларидан биридир. Уни йил бошидаги 16-17 фоиздан июнь ойида 1,9 фоизга туширишга эришдик. Ёки, 1995 йилнинг 1 чорак якунлари бўйича бюджет камомади ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,2 фоизни ташкил этган бўлса, бу ҳолат ярим йиллик давомида ҳам шу даражада сақлаб қолинди.

Молиявий барқарорликка эришишнинг ҳозирги кундаги энг асосий муаммоси миллий валютамизнинг қувватини оширишдир.

Халқимизнинг фаровонлиги, ҳаётининг кўркамлашиб бориши кўп жиҳатдан шу масаланинг ҳал этилишига боғлиқ. Шу сабабли ҳам бу масалага энг устувор йўналишлардан бири деб қарамоқ лозим, дея таъкидлади Ислом Каримов.

Бу борадаги асосий муаммо — сўмимизни ички конвертациясига, унинг бошқа мустаҳкам валюталар билан эркин алмашувига эришиш. Бу эса ҳозирги кунда нақд пул эмиссиясини зудлик билан тартибга солишни талаб этади.

Биринчи ярим йилликда бу борада сезиларли натижаларга эришилди. Агар жорий йилнинг биринчи чорагида эмиссия даражаси 17,6 фоизни ташкил этган бўлса, иккинчи чоракда 8,2 фоизгача камайди.

Айни вақтда айрим вилоятларда эмиссия муаммосига етарли эътибор берилмаяпти. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий, Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида эмиссия даражаси республикадаги ўртача кўрсаткичдан анча юқори ҳолда қолмоқда. Бунинг сабаби шундаки, бу жойларда аҳолига зарур товар, хизматлар таклиф этилмаяпти. Содда қилиб айтганда, халқимизнинг эҳтиёжлари қондирилмасдан қолиб, уларнинг қўлида бўлган нақд пул хазинага қайтиб тушмасдан эмиссия даражаси ортиб кетмоқда. Самарқанд, Наманган, Андижон, Қўқондагидек одамнинг «жони»дан бошқа ҳамма нарса топиладиган дўконлар бу ерларда жуда кам.

Шундан кейин ўша вилоят —туманларда маош тўлашда қийинчилик пайдо бўлганда кимни айблаш керак?

Кўп марта айтилган фикрни яна бир карра такрорлашга мажбурман. Агар валютамиз етарли даражада товарлар билан қопланмаса, унинг қувватли ва **обрўга эга бўлиши амри маҳол.** Буни **ҳаммамиз англаб олишимиз лозим.** Шу нуқтаи назардан қараганда, биринчи ярим йилликда, Тошкент шаҳрини мустасно қилганда, барча вилоятлар чакана товар айланмасини 1994 йилнинг биринчи ярмига нисбатан кескин камайтириб юборганини қандай баҳолаш мумкин?

Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Тошкент вилоятларида аҳолига пулли хизмат кўрсатишга етарли эътибор берилмади. Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг ўтган йилдагига нисбатан камайишига йўл қўйилди.

Албатта, сўнгги пайтларда биз товар бозорини анча тўлдиришга эришдик. Аммо бу кўпроқ импорт ҳисобига амалга оширилди. Импортни рағбатлантириш билан бирга ўзимизда ишлаб чиқаришни ривожлантиришни ҳам унутмаслигимиз лозим.

Минг афсуски, бугунги кунда кўпгина корхоналаримизда ишлаб чиқарилган маҳсулот ўз харидорларини тополмаслиги ҳеч чидаб бўлмайдиган ва миллий шаънимизга мос келмайдиган ҳолдир.

Тасаввур этинг: бир томондан кўплаб корхоналарнинг омборларида тайёр маҳсулот тўлиб-тошиб ётибди, шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун оддий ишчининг меҳнати синган.

Иккинчи томондан эса корхоналарнинг айланма маблағларнинг ҳаракатсизлиги оқибатида шу молни, шу товарни ишлаб чиқарувчиларга иш ҳақи бериш имкони йўқ. Одамларга ишлаб топган ҳақини вақтида бермаслик эса — адолатсизликдир. Бундай ҳолни ўзгартириш учун, авваламбор, раҳбарларнинг масъулиятини ва керак бўлса жавобгарлигини қатъий кучайтириш зарур.

Шунинг учун маош — ойлик ўз вақтида берилмаётганига ким сабабчи, шуларни аниқлаб ҳақиқий ҳолатни одамларимизга етказиш даркор. Токи, улар ҳукуматдан, банкдан беҳуда ранжиб юрмасин.

Яна бир муаммо — бу кўплаб корхона раҳбарлари ҳанузгача экспорт имкониятларини ошириш, маҳсулот сифатини дунё даражасига тенглаштириш ҳамда ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш борасида етарли жонбозлик кўрсата олмаяптилар.

Бу масалалар ривожланган мамлакатлар фирмалари учун энг муҳим ҳисобланади. Улар таркибида фирма фаолиятининг юқори самарадорлигини таъминловчи маркетинг, **яъни оддий тил билан айтганда, чиқараётган молнинг бозорини олдиндан ўрганиш, стратегик тадқиқотлар каби узоқни кўзлайдиган бўлимлар муваффақиятли иш олиб боради.** Аслида маркетинг биз учун янгилик эмас. Ота-боболаримиз, қадимги савдогарлар шу усулда ишлаган.

Очигини айтсак, бугунги аксарият вилоят раҳбарлари ва фаолларимиз бундай муаммолар ҳақида ҳали-бери бош қотирадиган ҳам эмас. Шунинг учун ҳам чет элдан мол келтиришни ташкил этиш ўрнига Тошкентга—пойтахтга нақд пул келтириб товар ташиб кетмоқдалар.

Ҳозирги вазият тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича жиддий ишларни амалга оширишни тақозо этади. Зеро, молиянинг барқарорлиги, пул айланишининг ва умуман иқтисодимизнинг ҳолати шу масаланинг тўғри ҳал қилинишига боғлиқ.

Биринчи ярим йилликда корхоналараро қарзларни камайтириш бўйича сезиларли ишлар қилинди. Республика бўйича йил бошидаги дебитор қарздорлик 68,5 миллиард сўмдан 46 миллиард сўмга камайтирилди.

Шунга қарамасдан, бу борадаги аҳвол ўта жиддий. Кўплаб корхона ва ташкилот раҳбарлари бу масалани ҳал қилиш учун етарли даражада жавобгарликни ҳис этмаяпти.

Бир қанча уюшма ва вазирликлар тизимларида кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, миллиард сўмлаб дебитор қарзлар мавжуд.

Нега бундай бўляпти?

Ҳаммамизга маълумки, эски тузумда истеъмолчилар ишлаб чиқарувчиларга «бириктириб» қўйилар ва улар маҳсулотни сифати ва қандайлигидан қатъи назар сотиб олишга мажбур эдилар.

Шунга кўра ҳисоб-китоблар банклар орқали марказлашган ҳолда амалга ошириларди, ҳар йилги идоралараро дебитор ва кредиторлик ҳисоб-китоблари давлат кредитлари ҳисобидан қопланар эди.

Шундай услубда ишлаб суяги қотган айрим раҳбарлар ҳозир ҳам эски тузумнинг тартибига асосланиб иш олиб бормоқда. Шу сабабли улар жўнатган маҳсулоти учун қарзларни талаб қилиб олишда қатъият кўрсатмаяпти.

Кўпгина раҳбарларда боқимандалик кайфияти устун, **давлат бизни оғир аҳволга ташлаб қўймайди деган илинж сақланиб қолмоқда.** Улар бошчилик қилаётган корхоналар ҳеч қандай ғам-ташвишсиз, маҳсулотни бемалол омбор учун ишлаб чиқарибгина қолмай, балки қарзлар ҳам орттирадилар, сўнгра эса, ўз қарзларини давлат зиммасига юклаб, уларни қоплаш учун кредит, қўшимча айланма маблағлар сўрайдилар.

Бундай усулда ишлаётган раҳбарлар ва корхоналар бир нарсани қатъий англаб олишлари лозим: **давлат уларнинг масъулиятсизлигига ортиқ тоқат қилолмайди.**

Бундай ҳолнинг олдини олиш мақсадида ҳукумат қарори билан кенг ҳуқуқларга эга бўлган махсус комиссия тузилди ва унинг зиммасига мана шундай ночор ва беқарор аҳволда ишлаётган корхоналар тақдирини ҳал қилиш вазифаси юкланди. Агар қай бир ташкилот ва корхона ишини ва самарасини ошириш имкони топилмаса, банкротлик қонуни асосида бундай инқирозга дуч бўлган корхона ва хўжаликлар тарқатиб юборилади, уларнинг раҳбарлари масъулияти кўриб чиқилади, лозим бўлса жавобгарликка тортиладиган.

Тўлов интизомининг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олиб яқин вақтларда амалга оширишимиз лозим бўлган вазифаларга тўхталиб ўтмоқчиман, деди Президент.

«Ўзистиқболстат»нинг умумий раҳбарлигида республика тўлақонли маркетинг, яъни харид бозорини ўрганиш сиёсати ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши лозим.

Ҳокимликлар, «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув», Марказий банк ва тижорат банклари ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан биргаликда савдо қилувчи ташкилотлар томонидан тушумларнинг тўлиқ топширилиши, товарларни майда улгуржи сотиш тартибига ва касса интизомига риоя қилишлари устидан қаттиқ назорат ўрнатишлари зарур. Қоидаларни бузишларга йўл қўйилганда айбдорларни қаттиқ жавобгарликка тортиш керак.

Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва уюшмалар банклар иштирокида ўзларининг ўзаро қарздорликларини таққослашлари ва уни тўлашга қаратилган зарур ҳисоб-китобларни амалга оширишлари керак.

Айланма маблағларнинг ҳаракатсиз қолишига барҳам бериш даркор. Савдо ташкилотлари кўп ойлар мобайнида сотилмай келаётган товарлар нархини қайта кўриб чиқишга, уларни сақлаш муддатларига, мавсумийлигини назарда тутган ҳолда, атрофлича ёндашишлари керак.

Қабул қилинган ҳукуматлараро битимларни амалга оширишда корпорациялар ва корхоналарнинг раҳбарлари республикага товарлар ўз вақтида келтирилишини қаттиқ назорат қилишлари ва «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси билан ҳисоб-китобларни вақтида амалга ошириш учун маблағлар заҳирасини яратишлари керак.

Банклар мижозлар билан биргаликда векселларни жорий қилиш амалиётини кенгайтиришлари зарур.

Яна бир бор таъкидламоқчиман: **миллий валютамиз—сўмни мустаҳкамлаш мамлакатимизнинг иқтисодий** мустақиллигига **эришишнинг энг зарур шарти ҳисобланади.**

Ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ишлаб чиқариш, умуман, иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларини изчил давом эттиришдир. Бу ўзгаришлар нимадан иборат?

Аввало, иқтисодиётимизнинг устивор тармоқларини, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида ўзига мос ўрнини эгаллашига қаратилган салмоқли тармоқларни тез суръатлар билан ривожлантиришни таъминлашдир.

Шулар билан бирга халқ хўжалигининг устивор тармоқларида тўлов ва ҳисоб-китобларни тартибга келтириш учун махсус чора-тадбирлар кўриш керак.

Масалан, пахтачилик мисолида биз бу муаммони яхшилаб тушуниб олишимиз ва тегишли хулосалар чиқаришимиз зарур. Ҳисоб-китобларга кўра, республикамиз халқ хўжалигининг 70 фоиздан кўпроғи технологик жиҳатдан пахтачилик билан боғлиқ. Бир хил корхоналар пахтачилик учун техника, ўғит ва бошқа маҳсулотлар берса, бошқалари унинг маҳсулотларини қайта ишлаш билан машғул.

Шу сабабли ҳам мана шу боғлиқликда ўзаро тўловларнинг бир жойда бузилиши бутун технологик жараёндаги тўловлар тизимига салбий таъсир этади. Аммо бундай тўловлар бузилишидан пахтачилик соҳасидаги хўжаликлар кўпроқ жабр кўряпти.

Кўз олдимизга келтирайлик: пахтакор оғир меҳнати эвазига етиштирган ҳосилини октябрь-ноябрь ойида йиғиб-териб топширгач, дам ҳам олмай, янги ҳосил учун тайёргарлик ишларини бошлаб юборади.

Ҳосилни терди, заводга топширди. Кейин нима бўлади? Завод қачон тола ишлаб чиқаради, уни кимга ва қайси нархда сотади, қачон деҳқонга пахтанинг пулини тўлайди? Бу билан мен нима демоқчиман? Агар шу технологик жараённи деҳқон ерни шудгорлашдан тортиб, то пахтани сотиб пулини олгунга қадар ҳисоблаб кўрсак, 18 ой ўтар экан. Демак, деҳқоннинг машаққатли меҳнати эвазига оладиган даромади 18 ойга чўзилар экан. Бунга қандай баҳо бериш керак? Боз устига, хўжалик счётида пул йўқ, унга тўланмади, бунга тўланмади, деб баъзи бир воситачи корхона раҳбарлари деҳқонни айбдор ҳам қилишади. Бу муҳим масаланинг қандай ечими бор? Жаҳон тажрибасига эътибор берилса, харидор деҳқонга бўлажак ҳосил учун баҳорда аванс, яъни олдиндан пул беради. Бу унга ҳосилини бемалол етиштириш имконини туғдиради, ишончи мустаҳкамлайди.

Нега биз шу усулни қўллашимиз мумкин эмас? Шу мақсадда янги «Пахтабанк» ташкил этилди. «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмасининг айланма маблағлари ҳажми кўпайтирилди. Мана шу ташкилотлар бундан бүён пахтакорга тегишли аванс бериб туради. Шулар эвазига энди у ўз даромадини 18 ой кутмайдиган бўлади.

Бундан ташқари, экспортни кенгайтириш ва импортни камайтириш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришни жадалроқ ривожлантириш зарур. Бу йўналиш республикага нефть ва дон мустақиллигига тўла эришиш имконини беради.

Иқтисодиётимизда чет эл инвестициялари борган сари муҳим роль ўйнамоқда. Агар 1994 йилда уларнинг улуши капитал маблағлари умумий ҳажмида бир фоиздан камроқни ташкил қилган бўлса, иккинчи чоракда эса 20 фоиздан зиёд бўлди.

Бугунги энг долзарб масалалар тўғрисида гапирар эканмиз, **қишлоқ аҳолиси учун янги иш жойларини ташкил этиш, уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш ислоҳотлар иккинчи босқичининг энг муҳим вазифаларидан бири деб қаралмоғи керак.**

Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш меҳнат қилиш имконияти доирасини кенгайтириш билан узвий боғлиқдир.

Халқимизнинг ўзи туғилган, киндик қони тўкилган жойга ниҳоятда меҳрли бўлиб, боғланиб қолганини, яъни «дайди» бўлиб кўчиб юриш одати йўқлигини назарда тутадиган бўлсак, қишлоқда одамларни иш билан таъминловчи кичик ва хусусий корхоналарнинг тез ривожланиши қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни тезлаштириш имконини беради.

Кейинги пайтларда қишлоқ жойларда қайта ишлаш ва ёрдамчи ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил қилишга эътибор анча кучайди.

Буни катта мамнуният билан таъкидлаймиз. Лекин бу борада қилинадиган ишлар ҳам ҳали кўп. Уларнинг суръатлари ва салмоғи етарли эмас. Бу ҳолатга яқинда бўлиб ўтган идоралараро кенгаш мажлисида атрофлича баҳо берилди. Унинг қарорига кўра, яқин вақт ичида республика идоралари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантириш дастурини тайёрлашлари керак.

Ислоҳотларимизнинг муҳим манбаларидан бири — Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан кучайиб бораётган ҳамкорлигининг давом эттирилиши ва кенгайтирилишидир.

Бунда ташқи алоқаларни ривожлантиришга ва эркинлаштиришга алоҳида эътибор берилади.

Узоқ хорижий мамлакатлар билан экспорт ва импорт қилишнинг умумий ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тегишли равишда 50,5 фоиз ва 38,5 фоиз кўпайди. Экспорт-импорт умумий ҳажмининг сальдоси бизнинг фойдамизга бўлиб 201,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, албатта.

Эришилган ютуқларнинг энг муҳимларидан бири — одамлар бозор шароитларига мослашиб бормоқда, меҳнат қилиш турлари ва соҳалари кенгаймоқда, даромад олишнинг қўшимча имкониятлари пайдо бўлмоқда. Энг муҳими, халқимиз руҳида бу жараёнларни теран тушуниш туйғуси, якдиллик бор!

Аҳоли пул даромадларининг деярли учдан бир қисми шахсий ёрдамчи хўжаликлар, тадбиркорлик, хусусий мулк улушига тўғри келмоқда.

Оқсил моддаларга бой ва ёғли озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш кўпайди. Нон маҳсулотлари истеъмолининг сезиларли камайиши билан бир қаторда, гўшт маҳсулотлари истеъмоли 25 фоиз, ўсимлик ёғи истеъмоли 17 фоиз, мевалар — 23 фоиз, сабзавот ва полиз экинлари маҳсулоти — 13 фоиз, қанд-шакар истеъмоли 2 фоиз ўсди.

Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишнинг янги механизми жорий этилди. Ярим йил ичида бу мақсадлар учун давлат бюджетидан 750 млн. сўм ажратилди.

Ижтимоий муҳофаза ҳақида гап кетганда, бу борадаги сиёсат халқимизнинг туб манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга одамларнинг меҳнат фаоллигини оширишга, уларда тадбиркорлик руҳининг ривожланишига ёрдам бериши лозимлигига ҳам алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Яъни бу сиёсатимиз оқибатида одамлар боқимандалик кайфиятидан батамом халос бўлиши — бизнинг пировард мақсадимиздир.

Бу йил далаларимизда мўл пахта ҳосили етиштирилди. Уни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ҳар биримизнинг ватанпарварлик бурчимиздир. Деҳқонларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида бу йил пахта харид нархи 7-8 баравар оширилди. Бу хўжаликларимизнинг молиявий аҳволини яхшилашга имкон беради. Хулоса қилиб айтсак, Ўзбекистон ўз истиқболининг устивор йўналишларини белгилаб олиб, ислоҳотлар йўлидан аниқ мақсадни кўзлаб ҳаракат қилмоқда.

Ислоҳотларимизнинг иккинчи босқичини таҳлил қилар эканмиз, жаҳон ҳамжамиятининг танланган йўлимиз тўғрисидаги баҳосини назарда тутиб, биз уни сиёсий барқарорликка, пухта ўйланган, босқичма-босқич дастурга асосланган йўл деяишимиз мумкин. Буни бутун дунё тан олмоқда.

Биз танлаган йўл республикага танг аҳволдан чиқиш, иқтисодиётни кўтариш, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрни ва қиёфасига эга бўлган мустақил давлат сифатида жаҳон хўжалик тизимига бирлашиш имконини беради. Келажагимизга биз ишонч ва умид билан боқамиз.

Ярим йиллик якунлари ҳақида гапирар эканмиз, ғаллакорларимиз эришган ютуқларни яна бир карра таъкидлаш жоиз, деди Ислом Каримов пировардида. Зеро, уларнинг меҳнат ғалабаси барчани қувонтиради, ғайратимизга ғайрат, кучимизга куч қўшади.

Бугун мана шу юксак минбардан фойдаланиб, ҳақиқий фидойилик, ҳақиқий юртпарварлик намунасини кўрсатган муҳтарам ғаллакорларимизга халқимиз, ҳукуматимиз ва шахсан ўз номимдан миннатдорлик билдираман.

Ўтиш даври мураккабликларига сабот ва чидам билан дош бериб, ёруғ келажакка ишонч билан яшаётган, меҳнат қилаётган халқимизга бахт-саодат, куч-қувват, руҳий бардамлик, хонадонларига тинчлик-тотувлик ва барака тилайман.

Бош вазир ўринбосарлари — республика «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси раиси Ў. Исмоилов, молия вазири Б. Ҳамидов, шунингдек, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан ахборот бердилар.

Мажлисда республика Олий Мажлиси раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

31 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Люксембург шаҳзодаси, Бельгиянинг «Коминко» компаниялари халқаро Холдинг группаси Президенти Жан ҳазрати олийлари раҳбарлигидаги тадбиркорлар делегациясини қабул қилди.

Президент Ислом Каримов бельгиялик меҳмонларга Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, тадбиркорлик ҳамда хорижий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида гапириб берди.

Шаҳзода Жан ўзи раҳбарлик қилаётган компаниялар гуруҳи Ўзбекистон билан сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда хизмат кўрсатиш — сервис соҳаларида манфаатли ҳамкорлик қилишга тайёр эканини айтди.

Учрашувда икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Бош вазир ўринбосари В. Чжен, «Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси Б. Ҳусанбоев ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА).

МУҚАДДАС БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

29 июль куни Вазирлар Маҳкамасида Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланган мажлис бўлди. Уни Республика Президенти Ислом Каримов бошқарди.

Ўзбекистон тарихи зарварақларига миллий байрам сифатида битилган республикамиз мустақиллик кунини тўртинчи маротаба нишонлаш арафасида турибмиз. Байрам муносабати билан мамлакат миқёсида кенг қамровли ободончилик ва қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳар йилгидек бу гал ҳам пойтахтнинг Мустақиллик майдони ҳамда бошқа йирик майдон ва хиёбонларда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказларида, туманлар, касаба ва қишлоқларда, маҳалла ҳамда гузарларда байрам тантаналарини катта шодиёна билан ўтказиш мўлжалланган. Хусусан, пойтахтнинг Мустақиллик майдонида байрамимизнинг асосий тадбирлари бўлиб ўтади. Ислом Каримов ана шу бош майдонда ўтадиган байрам тантаналари тўғрисида сўзлади. Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилган фурсатдан буён ушбу майдонда ўтказиб келинаётган катта байрам томошалари нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудида ҳам ўзининг кенг қамрови ва теран мазмуни билан ярқо ва бетакрор байрам сифатида тан олинмоқда, деди Президент. Йилдан йилга Мустақиллик байрами юрт ободлиги, халқимиз турмушининг моддий ва маънавий ўсишида муҳим аҳамият касб этаётир. Қолаверса байрамдан байрамга ушбу қутлуғ санага тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш борасида ҳам ибратли тажрибалар орттиряпмиз.

Мамлакат раҳбари мажлис аҳли эътиборини нишонланажак Мустақиллик байрамининг халқимиз маънавияти билан бевосита боғлиқлигига қаратди. Саҳналаштириладиган томошаларда миллий байрамимиз мазмуни ва тарихий аҳамияти теран очиб берилиши кераклигини қайд этди. Халқимиз маънавий қаётида истиқлол шарофати билан туб бурилиш юз бергани, асрлар мобайнида мустақиллик туйғусини дилида асраб-авайлаб келган кишиларимизнинг орзуси рўёбга чиқиб, ғурури ўсгани, умуман, Ўзбекистон тарихидаги изчил ҳамда теран ривожланиш, иқтисодий ютуқлар ва маънавий камолот — байрам томошаларининг бош мазмун ва моҳияти ана шулардан иборат бўлмоғи лозим. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб, барча жабҳаларда катта ютуқларга эришаётган жонкуяр ва меҳнатсевар халқимизга муносиб байрам томошаларини тақдим этишимиз фарзу қарздир, деди юртбошимиз. Мустақиллик байрами миллатидан қатъи назар республикамизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг ёдида қоладиган бўлиши керак. Бунинг учун эса теран ижодий изланишларга асосланган бутунлай янгича байрам дастурини тузиш, унда янги шеър, куй ва қўшиқлар, саҳна томошаларига кенг ўрин ажратиш зарур. Вилоятлардаги истеъдод эгаларига санъатларини намойиш этишлари учун имконият яратиб бериш лозим. Байрам томошаси шундай маънавий таъсирчан бўлиши керакки, бош майдонга келадиган меҳмонлар ҳам, бу шодиёналарни ойнаи жаҳон орқали кўрадиган ҳар бир киши ҳам ундан баб-баравар тўлқинлансин, катта руҳий ва тарбиявий озуқа олсин, деди Ислом Каримов пировардида.

Мажлисда, шунингдек, сентябрь ойида Тошкентда бўладиган биринчи Марказий Осиё ўйинларини ўтказиш билан боғлиқ масала ҳам муҳокама қилинди. Президент республикамизнинг бир қанча спорт иншоотларида амалга оширилаётган тайёргарлик ишлари билан танишди. Марказий Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими ўтажак «Пахтакор» марказий ўйингоҳини безатиш ҳамда спорт ўйинларини ўтказиш юзасидан тегишли йўл-йўриқ ва тавсиялар берди.

Мажлисда республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА).

Мустақиллик одамлар имкониятини, яратувчанлик ва бунёдкорлик қобилиятларини тобора кучайтирмоқда. Уларнинг воқеликка муносабатлари, ўз ҳаётини кутилмаган, бутунлай янги изга солишга интилиш кучаймоқда. Ўз оиласи дахлсизлиги ва истиқболи, унинг яшаш ҳуқуқи хусусида олдинги йилларга нисбатан кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолди. Айни пайтда унинг мазмун-моҳиятини кундан-кунга чуқурроқ англай бошлади. Буларнинг ҳаммаси, бир сўз билан айтганда, моддий эҳтиёжни қондириш, иқтисодий имкониятларни кенгайтириш мақсадига бўйсундирилган бўлиб, унинг бутун ҳаёти ва турмуш тарзи шаклини ҳамда мазмунини белгилайди.

Мустақиллик берган имкониятлар ва инсон тафаккуридаги ўзгаришлар фақат бугина эмас. Чунончи, маънавий оламимиздаги ўзгаришлар юқорида саналган барча янгиланишларнинг асосидир. Зеро, Ватан, миллат тушунчалари тобора чуқурлашмоқда. Биз энди яшаб турган заминимиз, фуқаролигимиз жиҳатидан дахлдор бўлган мамлакатимиз, миллий равнақимиз ва истиқболимиз хусусида жиддийроқ ўйлайдиган бўлдик. Ҳар қандай моддий манфаатдорлик, ҳар қандай иқтисодий равнақ бевосита маънавий етуклик, маънавий баркамоллик туйғулари билан боғлиқ эканлигини ва қолаверса ана шунинг асосида ривож топиши мумкинлигини яққолроқ кураяпмиз. Миллий равнақ ҳамма вақт ақлий имкониятнинг бекиёс кучига, онг ва тафаккур ривожига муҳтож эканлигини, унга таяниши ва суяниши лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Уни зарурат даражасига кўтармоқда.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари, унинг тараққиёт йўллари хусусида ўзимизда ҳам, хорижда ҳам кўп гапирилмоқда. Мамлакатимизда миллий барқарорлик, миллатлараро муносабатларнинг мутаносиблиги, иқтисодий жараёнларнинг бир меъёрда ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг тобора такомиллаштирилиб борилаётганлиги бевосита мамлакат маънавий-сиёсий муҳитининг соғломлиги, халқ орзу-умидлари билан давлат сиёсатининг уйғунлиги натижаси эканлиги жаҳон сиёсатдонлари томонидан тан олинмоқда. Ана шундай муҳитни вужудга келтириш, мамлакатда том маънода ҳар томонлама, барқарор тараққиётни таъминлаб туриш бу бевосита давлат сиёсатининг халқ талаб ва эҳтиёжларини, руҳий ва маънавий ҳолатини нечоғлик ҳисобга олганлиги билан белгиланади. Ёки Президент И. Каримов ибораси билан айтганда **«Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир».** (Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», 139-140 бетлар).

Дарҳақиқат, халқимиз азалдан меҳнаткашлиги, буюк яратувчилик қувватига эгалиги, руҳий-маънавий жиҳатдан эса эзгуликка интилиб яшаши, инсонга муносабатнинг ғоят ибратли жиҳатларини турмуш тарзига айлантирган билан ажралиб туради. У ҳамиша ўз тақдири билан қўшниси тақдирини, қолаверса, маҳалла ва туман аҳли билан боғлиқ ҳолда тушунади. Меҳнати натижасини фахру ифтихор билан умумий меҳнат натижаси деб билади ва шу билан ғурурланади.

Миллий ифтихор туйғуси ўз миллий мансублигидан фахрланиш имконияти. Миллий ифтихор туйғуси ўз миллати бой тарихидан, маданий ва маънавий меросидан, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасидан ғурурланиш салоҳияти. Миллий ифтихор туйғуси — ўзлигини англаш ва ўзлигини асрашга ўзини-ўзи даъват этувчи куч. Бироқ, унга ортиқча ҳирс қўйиш миллий худбинликка, миллий маҳдудликка олиб келади, бора-бора миллий калондимоғликдек ўта хавфли ва юқумли касалликка айланади.

Миллатга мансублик ўта нозик ва айни пайтда жуда

мураккаб ҳолат. Киши зарур бўлганда ўз ҳаётидаги жамики неъматлардан ҳеч оғринмасдан воз кечиши мумкин. Бу нималарнингдир таъсирида юз берадиган мураккаб ва зиддиятли маънавий-руҳий фожиа. Бироқ, ҳеч ким, ҳеч қачон миллий мансублигидан тонолмайди. Уни хоҳлаган пайтида хоҳлаганча ўзгартиролмайди. Чунки миллатга мансублик ҳислари тириклик ва мавжудлик билан боғланиб кетган неъмат. У инсоннинг қон-қонига, минг бир ҳужайрасига сингиб кетганки, вужуд билан бирга яшайди ва вужуд билан бирга йўқ бўлади. Буни англамаганлар ғариб ва бечорадир. Буни ҳис қилолмаганлар қалби сўқир, маънавий кемтик кишилардир. Бошқача эмас. Аммо миллатга мансублигидан фахрланиш ва миллий ифтихор туйғулари билан миллатчилик, миллий ҳис-туйғуларга ортиқча йўл бериш ҳирси бошқа-бошқа, бир-бирига зид нарсалар. Улар ўртасида маърифат ва жаҳолат, садоқат ва қабоҳат каби бир-бирига қовушмайдиган, аксинча бир-бирини маҳв этишга интилиб яшайдиган бедодлик мавжуд.

Рангларни ажрата билмайдиган одамлар — далтониклар хоҳлаган рангни ўз тасаввурларидагидек кўрадилар ва унга табиий ҳолда ишонадилар. Мияларида ўрнашиб қолган рангни хоҳлаган жойда, хоҳлаганча талаб қилаверадилар. Миллий калондимоғлик ёки миллий худбинлик касалига учраганлар ҳам худди шуларга ўхшайдилар. Улар ўз миллати тор ва ўта юзаки манфаатидан бошқа ҳеч нарсани кўрмайдилар ҳамда кенг тушунчаларни тан олмайдилар. Бундай касалликка учраганлар ҳар қандай умумий манфаатлар, умуминсоний қадриятларга дахлдор бўлган тартиб-интизомларни ёқтирмайдилар. Ҳатто жазавалари тутганда ёввойи орият йўриғи билан ўз зарарларидан ҳам қайтмайдилар. Бундай ясама миллатпарвар ва хонаки «қаҳрамон»лар аллақандай юзаки далилларни рўкач қилиб, фақат ўз миллати мавқеини зўрма-зўракилик билан кўтариш, қандай бўлмасин унинг имкониятларини кенгайтиришга ҳаракат қиладилар. Бироқ, ҳаёт ҳар бир нарсани ўз ўрнига қўяди. Вақт—адолатли ҳакам. У ҳар бир ҳодисага вақти билан қатъий ва муносиб жавоб беради. Ҳар бир ҳодисанинг баҳосини энг адолатли тош билан ўлчайди. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг барқарорлиги, миллий ифтихор ва миллий мансублиги билан ғурурланиш ҳисси ягона макон ва ягона хонадон тақдири тушунчалари билан уйғунлашиб кетган. Бу тушунчалар фуқароларнинг онги ва тафаккурида қанчалик мустаҳкам ўрнашган бўлса, давлат сиёсатида ҳам шунчалик қатъий ўрин тутган.

Узига ортиқча бино қўйиш, ортиқча баҳо бериш ҳамма вақт шахс ҳаётини ҳам, миллат тақдирини ҳам инқирозга олиб келади. Миллий кибр, ўзга миллатларни менсимаслик, камситиш охир-оқибатда миллатлараро низоларнинг кучайишига сабаб бўлади. Ўзбекистонда мавжуд барқарорликнинг асосида яшаб турган замин фуқароси бўлган мамлакат тарихи, унинг асрлар мобайнида тўплаган қадриятлари барча миллатларнинг ғурурига, уларнинг турмуш тарзига ва маънавий-ахлоқий мезонига айланганлигидан. «Шу азиз Ватан — барчамизники», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак» шиорларининг катта маънавий қудрати, ниҳоятда умуминсоний моҳияти ана шунда.

Миллий ифтихор туйғусининг соф инсонпарварлик мазму-

ни шундаки, у шахснинг энг аввало қайсидир миллатга мансублиги, унинг кенг имкониятларидан қувона олиш фазилатигина эмас, балки, яшаб турган заминга, фуқаролиги дахлдор бўлган мамлакатга муносабат белгиси ҳамдир. Миллий ифтихори кучли бўлган шахс ўз мамлакати билан фахрлана олади ва унинг тақдирига бефарқ қарай олмайди. Миллий ифтихори кучли бўлган шахс ҳамиша истиқболни чуқурроқ англайди. Унинг бугунгидан кўра мукаммалроқ бўлишига интилади. Ана шу нуқтаи назардан қараганда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси бевосита миллати ва элатидан қатъи назар аҳоли турли табақасининг умумий манфаатларига мос келадиган мақсадларнинг муштараклигида эканлигини англаш қийин эмас.

Жамият тараққиётида омма фикрини бир нуқтада жамлаб, унинг имкониятларини бир ўзанга солиб, умумий тараққиёт йўлига бошлаш муҳим аҳамият касб этади. Ана шу жиҳатдан қараганда мустақилликка эришилгандан кейин, яқин ўтмишимизда кенг тарқалган кўпгина иллатлардан воз кечилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Яъни, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий муҳитини пароканда қиладиган, одамлар фикрини чалғитадиган ҳодисаларга барҳам берилди. Масалан, ўзимизга ўзимиз душман қидирмадик. Мана бу партократ, ана униси қип-қизил коммунист, яна бошқаси диндор ёки бошқа сифатлар билан турли асоссиз таъналар берилмади. Ҳаммамиз ва ҳар биримиз ўтмишдаги хатоликлар учун жавобгар эканлигимизни, энди эса ана шу нуқсонларни бартараф қилиш учун ҳар биримиз масъул эканлигимизни тўғри тушундик. Мамлакат ва халқ манфаатлари йўлида бирлашиш, кучларни уйғунлаштириш, барча имкониятлардан эҳтиросларга берилмай, ақл-идрок билан фойдаланиш йўли тутилди. Оғир-вазминлик, мулоҳазакорлик, андиша, узоқни кўзлаб иш тутиш доимий тамойилга, турмуш тарзига айлантирилди. Буларнинг ҳаммаси бутун мамлакат аҳолиси манфаатларидан келиб чиқиб, инсонни инсонлиги учун улуғлаш тамойилини чуқурлаштирди. Мамлакатга ўз номини берган миллат шаънини янада оширди. Барча фуқароларга дахлдор бўлган миллий ғурур, Ўзбекистондек мамлакат фуқароси бўлганлиги билан фахрланиш ҳисси ошмоқда. Натижада якка-якка шахсларнинг ҳам, бутун мамлакатнинг ҳам яхлит маънавий қиёфаси шаклланмоқда.

Яна шуни айтиш мумкинки, миллий ифтихор туйғуси миллий мансубликни чуқур англаш, уни эъзозлашга маънавий-руҳий жиҳатдан келиб чиққан эҳтиёж маҳсули. Миллий ифтихор энг аввало ўзлигини англаш, миллий равнақни таъминлаш йўлидаги хатти-ҳаракат, ўз миллати, истиқболи олдида масъулликнинг беқиёс намунасидир. Қалбида миллий ифтихор ҳужайралари оз бўлса-да, мавжуд бўлган ҳар бир киши энг аввало ўз миллати ўтмишини яхши билган, қадрлай олган ва айни пайтда уни янгича шароитлар ва ҳолатларда бойитиб борадиган камолот кишисидир.

Турли миллатлар турли шароитлар таъсирида ўзига хос руҳий ва маънавий феъл-атворга эга бўлиши сир эмас. Шунинг учун ҳам турли минтақада яшаётган халқлар турлича яшаш тарзига, бир-бирига ўхшамаган урф-одатларга эга бўлишган. Жумладан, ўзбеклар ва умуман Шарқда диёнат, ор-номус, шарм-ҳаё категориялари ижтимоий ҳаётнинг энг кичик унсурларидан энг катта ҳаётий муаммоларигача бўлган ҳамма жаб-

ҳаларида муҳим фазилат деб қабул қилинган. Дарҳақиқат, маънавий баркамол, ахлоқий етук, ҳар томонлама камолотга етган аҳоли яшаётган жамият ҳам, давлат ҳам файзли бўлади.

Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий ибораси билан айтганда «Аҳолиси хушхулқда эга бўлмаган мамлакатда ҳокимиятга эҳтиёж сезилади». Демак, жамиятнинг нечоғлик демократиялашуви, инсон эрки ва ҳуқуқларининг нечоғлик тўла таъмин этилиши энг аввало мамлакат аҳолисининг феъл-атворига, маънавий-ахлоқий ва руҳий камолотига боғлиқ экан. Агар аҳоли ўз ҳуқуқи нормалари доирасида амалдаги қонунларга бўйсуниб яшашни турмуш тарзига айлантира олсагина, ўз хатти-ҳаракатини маълум қонун-қоидалар йўналишига туширa билсагина, ақл-идрок, одоб ва ахлоқ категорияларини ҳаётининг ҳар бир дақиқасида намоён қилиб борсагина жамиятнинг маънавий қиёфаси баркамол, шахснинг яшаш тарзи етук, эркинликлари эса чексиз бўлади. Президент Ислом Каримов эса «Фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислоҳотларга тайёр бўлиши мумкин», дейди (ўша китоб, 147-бет). Бу улуғ файласуф билан мамлакатимиз раҳнамосининг фикрлари нақадар уйғунлигини ва ҳаётийлигини кўрсатади. Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг тўрт йиллик натижалари бундан далолат беради.

Аллома Форобийнинг мамлакат аҳолисининг феъл-атвори хусусидаги фикрлар бундан минг йил бурун қанчалик долзарб бўлса, бугун ҳам шунчалик муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, **у инсон моҳияти ақлда, ақлнинг моҳияти эса ҳаракатда намоён бўлади, деган эди. Демак, инсоннинг инсонлигини ифода этувчи ягона мезон ақл-идрок, онг ва тафаккур даражаси бўлса, уларнинг моҳиятини очиб берувчи, уларнинг миқёси ва кўламига баҳо берувчи бош мезон хатти-ҳаракат, ҳаётга ва атроф-муҳитга муносабат, ўз-ўзини бошқаришдаги ички кудратдир**. Ана шу нуқтаи назардан қараганда бобо Шарқнинг диёнат, ор-номус, шарм-ҳаё категорияларига таянгани, асрлар мобайнида уларни олий қадриятга айлантиргани бежиз эмас. Шарқ халқларининг ҳаётга бундай муносабати кейинчалик ислом дини ақидалари билан уйғунлашиб бориб, тобора шаклланди ва маънавиятнинг янгидан-янги имкониятларини очиб берди.

Мустақиллик яратган кенг имкониятлардан ва у берган катта қадриятлардан яна бири ҳақида икки оғиз сўз. Минг йиллар мобайнида халқимиз онгида ўрнашган, турмуш тарзига айланган, бутун ақидаларга, руҳий ва маънавий кечинмаларига жой бўлган ислом динига муносабат ўзгарди. Жумладан, 70 йил мобайнида хурофот, бидъат деб аталган ислом дини маърифатпарвар ва юксак маданият етакловчи ғоят қудратли ғоя эканлиги рўй-рост айтилди. Ислом дининг имкониятларига кенг йўл очиб берилди. Комиллик, етуклик ва бой маънавий баркамолликка даъват этувчи улуғ аждодларимиз номи тикланди. Жумладан Имом Бухорий, Ҳаким Термизий, Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа ўнлаб алломаларимиз илмий мероси чуқур ўрганилмоқда ҳамда кенг тарғиб этилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакат ҳар бир фуқароси қалбида эзгулик руҳини сингдириши, яхшиликка даъват этиши билан бирга миллий ифтихор, миллий ғурур туйғуларини ҳам анча кучайтирди.

Ислом ақидапарастлигига, уни сохталаштиришга йўл қўйилмади. Аксинча, ислом ғоялари юксак маънавият, баркамоллик мезони ва бой маданият сифатида тарғиб қилинди. Минг йиллар мобайнида халқимиз қон-қонига сингиб кетган ақидаларга бутун борлигича одилона баҳо берилди. Натижада ҳар бир фуқаро қалбида эртанги кунга ишонч кучайди. Уларда мустақиллик қийинчиликларини бартараф этишда рағбат ва куч пайдо бўлди. Бу мамлакатдаги умумий барқарорликнинг тобора чуқурлашиб боришида муҳим омиллардандир.

Шарқликлар ҳаётида, хусусан ўзбеклар турмуш тарзида

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги олдидан

МИЛЛИЙ ЭҲТИЁЖ

ёки мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг маънавий негизи ҳақида айрим мулоҳазалар

катталарга ҳурмат билан қараш, ота-она олдида жавобгарликни ҳар дақиқада чуқур ҳис қилиб туриш, иффат, шарм-ҳаё муҳим ўрин тутади. Айни пайтда, худди ана шу фазилатлари билан фахрланишади. Шу ўринда ўзбек генерали Қ. Бурхоновнинг телевидение орқали чиқишини эслаш ўринлидир. У ўзбек миллатига мансуб бўлган айрим қизларимизнинг хориждаги қилиқларини куйиб-пишиб, дард билан гапирган эди. Бутун вужуди билан ана шундай салбий ҳодисаларга нафратини тўкиб солган эди. Унинг ўша пайтдаги ҳолатидан миллатга мансубликнинг қай даражада оғир, масъулиятли ва айни пайтда шарафли эканлигини англаш унчалик қийин эмас эди. У миллий фазилатларимиздан қанчалик кўп ғурурланса, нуқсонларимиздан шунчалик кўп азият чекаётганини, миллий орият миллат шаъни қалбида жўш уриб, унга доғ туширганларга нафрати беқиёс эканлигини, бундайларга бефарқ қарай олмаётганини очиқ-ойдин ифода этган эди. Ҳатто, ўша қизларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари одамларга қайси юз билан қараётганига, қандай бош кўтариб юрганига ҳайрат ва куйиниш билан қарайди. **Миллий орият билан шахс орияти, миллат қадр-қиммати билан шахс қадри, ор-номуси юксак маънавият ва ахлоқ асосида йўғрилиб, уйғунлашиб кетган ҳолдагина халқнинг умумий миллий ифтихор туйғулари шаклланади. Бу ноёб қадрият!** Бу мамлакатимизда шаклланаётган соғлом маънавий муҳитнинг асосидир.

Агар ҳар биримизнинг қалбимизда ана шундай фазилат мужассам бўлса, ҳар биримиздаги миллий ғурур ана шу ўлчовда бўлганда эди, аминманки, ҳаётимиз ҳам, жамиятимиз равнақи ҳам бундан ўн карра юксакроқ, турмуш тарзимиз эса бундан ҳам гўзалроқ бўлар эди.

Шуни очиқ айтиш керакки, мустақилликка эришган мамлакатларнинг ҳеч бирида маънавиятга Ўзбекистондагичалик катта эътибор берилмаяпти. Мамлакатимизда амалга оширилаётган турли соҳалардаги туб ислоҳотлар энг аввало, маънавий заминга асосланган ҳолда юксак маданият талабларига мос равишда олиб борилмоқда.

Одамларнинг хатти-ҳаракати, воқеликка ва ҳар қандай янгиликка муносабати, энг аввало юксак ахлоқ-одоб, шарқона вазминлик, ота-боболаримизга хос бўлган мулоҳазакорлик, энг қийин ва мураккаб шароитларда ҳам турли шахсий манфаатлардан умумдавлат ва умумхалқ манфаатларини устун қўйиш, жамоа бўлиб ва жамоа учун яшаш каби инсоний фазилатларга қаратилди. Бу ва шунга ўхшаган миллий қадриятлар умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилмоқда. Натижада турли миллат ва ақидаларга эга бўлган кўп миллатли мамлакатда миллатлараро тотувлик тўла таъмин этилди. Ягона Ватан — ягона хонадон тушунчасининг мазмун-моҳияти чуқурлашди. Барча фуқароларнинг ягона оила — бутун мамлакат тақдири учун жавобгарлик ҳисси ошмоқда. Энди у қайсидир миллатга мансублигидан кўра, кўпроқ қайси мамлакат фуқароси эканлиги, қандай тарихий тажриба ва анъаналарга ворислиги билан фахрланадиган бўлмоқда.

Албатта, миллий равнақ, ҳар бир миллатнинг ўзига хослигини, тили ва маданиятини такомиллаштириш қонун билан кафолатланган. Ҳеч ким ўзлигини йўқотишни истамайди. Аммо, онгли равишда, ақл-идрок таъсирида умумий хонадон тинчлиги учун масъуллик ҳисси, тенг ҳуқуқли фуқаролик бурчи юксак даражадаги виждон ва иймон ишига айланмоқда.

Айрим мухолифларимиз мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг суръатидан қониқишмаяпти. Уларнинг фикрича, ислоҳотлар жараёни суст эмиш ва янгиланишларга раҳнамолик қилаётган ҳукуматга таъна тошларини отишмоқда. Бу ғараз ва адоватдан бошқа ҳеч нарса эмас. Чунки, биринчидан Ўзбекистон собиқ Иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан мамлакатлар ўртасида ҳамма жиҳатдан — сиёсий, иқтисодий,

ҳуқуқий ва бошқа ислоҳотларда пешқадамлик қилмоқда. Буни инкор қилиб бўлмайди. Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари қонун билан кафолатлаб қўйилган. Энг муҳими, ҳар бир оила, ҳар бир хонадон, ҳар бир фуқаро тинчлиги, қолаверса, эртанги куни кафолатланган. Учинчидан, ҳодисаларга кўр-кўрона ёндошиш, жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш, одамлар фикри ва дунёқараши билан ҳисоблашмаслик ҳамма вақт жамият ҳаётига ҳам, одамлар турмушига ҳам таҳлика ва фожиалар олиб келишини бир қатор Ҳамдўстлик мамлакатлари мисолида яққол кўриб турибмиз. Ўзбекистонда эса ўзгартишлар ва янгиланишлар энг аввало маънавиятга асосланганлиги, бой маданиятга таянганлиги, аста-секинлик билан одамлар онги ва тафаккурида ўзгариш ясаш йўли билан амалга ошириш, қолаверса, инсоннинг бир-бирини улуғлаш, бир-бирини асраш, авайлаш тамойиллари асосида олиб бораётганлиги туфайли барқарорлик тўла таъмин этилган. Бу бевосита мамлакат ички ҳаётини бир маромда сақлаб туриш имконини берса, иккинчи жиҳатдан хорижий шерикларнинг имкониятларидан фойдаланишга, икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйишга замин яратади.

Шарқ тарбия мактаби ва ислом ақидалари сабр-қаноат, оғир-вазминлик, ҳар қандай шароитда ҳам ўзини бирдай тутиш фазилатларини юксак қадрлайди. Бироқ, баъзан айримларимиз халқимизнинг ана шундай юксак инсоний фазилатларини нотўғри талқин этамиз. Унинг мушоҳадакорлиги ва мулоҳазакорлигига кўпинча бошқача тус бериб, қўрқоқликка, тобеликка, мустамлакачилик ва бюрократия тазйиқи остида шаклланган қуллик иллатларига йўямиз. Бироқ, шарқликларда, жумладан ўзбекларда ҳам сабр-тоқатдан кўра иймон-эътиқод билан яшаш, эртанги кунга ишонч билан қараш кучли. Эзгуликка интилиш, барча ҳодисалардан яхшилик қидириш фазилати мавжуд. Шунинг учун ҳам у жамики яхшилик йўлидаги ҳодисаларга иймон-эътиқоди билан ишонади. Биз халқимизнинг муқаддас ғояларнинг ҳақиқий эканлигига ишонганлигидан фахрланишимиз лозим.

Ғоявий мухолифларимиз орасида «Ўзбекистонда демократиянинг шарқона принциплари мавжуд. У янги шароитларда янги тажрибалар билан бойитилмоқда», деган гапларга «Тушунмаяпмиз, демократия ҳамма жойда демократияда. Демократиянинг америкача, оврўпача ёки осиёчалиги қанақа бўлади?», — дейдиганлар ҳам бор.

Шарқ демократияси оиладаги муносабатлардан бошланади. Ота-онанинг муқаддаслиги, кичикнинг катталарга ҳурмати ва ҳар қандай шароитда катталар олдида ўзини тута билиши, одамларнинг ўзаро муносабати, турли ҳолатларда ҳам ҳурмат ва эътирофнинг сақланиб туриши билан белгиланади. Бу фазилатлар турли сиёсий режимлар ва турли мафкуравий тазйиқлар остида ҳам ўз қийматини, мазмун-моҳиятини йўқотмади. Масалан, маҳаллалар фаолиятини кўриб чиқайлик. Қарийб 130 йиллик мустамлакачилик шароитида ҳам ўзбекларда жамоа бўлиб яшаш, турли маросимларда бир-бирларининг оғирини енгил қилиш, ҳашар каби анъаналар йўқолмади. Албатта, улар маълум даражада сусайиб қолди. Бироқ, батамом йўқолмади. Ҳозир ҳам маҳалла оқсоқолининг айтгани-айтган, дегани-деган. Бу ҳеч қачон оқсоқолга буйруқбозлик, ортиқча ҳукмронлик қилиш, ҳукмини ўтказиш ҳуқуқини бермайди. Аксинча, у бошқалар ҳаётига оид бўлган барча яхши-ёмон ҳодисаларга, ташвиш ва изтиробларга дахлдорлик, шериклик каби ноёб фазилат намунасидир. Оқсоқол ўзи

раҳнамолик қилаётган ҳудудда қийналганларга ёрдам бериш, яхши кунларда яхшиликнинг завқидан баҳраманд бўлиб, бошига мусибат тушган одамнинг ғамига шерик бўлиш каби қатор инсоний фазилатларни чуқурлаштиришга, маҳалла аҳлининг жипслашиб, уюшиб яшашига даъват этувчи шахс. Асрлар мобайнида шаклланган анъанага кўра, маҳалла аҳли оқсоқолга бўйсуниб, умумий тартиб-қоидаларга қатъий амал қилиб яшашга мажбур. Халқимизнинг ана шундай феъл-атвори ва дунёқарашидан келиб чиқиб, Президент Ислом Каримов **«Ҳозирги вақтда оилаларнинг ҳақиқий моддий аҳволини, уларнинг маънавий ва маданий қизиқишлари доирасини маҳалладан кўра яхшироқ биладиган тузилма йўқ»**, — дейди (ўша китоб, 51-бет).

Ўзбекистонда йўлга қўйилаётган маҳалла демократияси, аҳолининг ўз-ўзини бошқаришдаги ўзига хос шакли жаҳон сиёсатдонлари диққатини тортмоқда. Дарҳақиқат, маҳалланинг халқ ҳаётига яқинлиги, аҳоли турмуш ташвишлари ва кундалик ҳаёти билан уйғунлиги кўп жиҳатдан давлатнинг демократик жараёнларни чуқурлаштириш фаолиятини анча тезлаштиради. Шу билан бирга давлат бошқарувини аста-секинлик билан жамоа ташкилотлари зиммасига ўтказиш, уларнинг ўз-ўзини бошқаришдаги ролини кучайтириш имконини беради.

Айтиш мумкинки, собиқ Иттифоқ таркибидаги мамлакатлар орасида фақат Ўзбекистондагина давлат бошқарувини демократиялашнинг бундай халқчил, миллий, тарихий анъаналарга таянган усулидан самарали фойдаланилмоқда. Ҳатто, халқларимизнинг турмуш тарзлари ва урф-одатлари бир-бирига яқин бўлган қўшни мамлакатларда ҳам бунга кам эътибор берилмоқда.

Маҳалла фақат маҳаллий бошқарув органигина эмас, айни пайтда у чинакам тарбия мактаби, ахлоқ ва маънавият маркази, ниҳоятда таъсирчан мафкура ўчоғи. Шунинг учун ҳам унинг кенг имкониятларидан унумли фойдаланиш мақсадида молиявий тизимини шакллантириш чоралари кўрилмоқда. Мамлакат маҳалла жамғармасининг ташкил этилганлиги бунга ёрқин мисол бўла олади.

Жаҳон давлатчилик амалиёти Ўзбекистонда қарор топаётган маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тажрибасини маъқулламоқда ва бундай ўзига хос усулнинг афзалликларини тан олмоқда.

Мамлакатимизда демократиянинг маънавий асослари яратилди. Бу асослар ҳар жиҳатдан мустаҳкамлантирилди. Яъни, Президентнинг ислоҳотчилик сиёсатида алоҳида ўрин тутмоқда. Жумладан, **«Биз барпо этаётган демократик давлат халқимизнинг маънавий-руҳий дунёсини имкони борича тўла ҳисобга олиб иш юритмоғи лозим. Юксак маънавийлик ва ижтимоий адолатни нозик ҳис этиш, маърифатли ва маълумотли бўлишга интилиш халқимизга хос хусусиятдир»,** — дейди Ислом Каримов (ўша китоб, 248-бет).

Ёш мустақил мамлакатларнинг кўпчилигида демократия компаниябозликка айлантирилди. Натижада у ерларда бошбошдоқлик авж олди. Бизда эса кўп қиррали ислоҳотлар билан бирга қадимий анъаналарни ривожлантириш, асрлар мобайнида шаклланган урф-одатларни қайта тиклаш, шу йўл билан маҳаллий аҳоли тафаккурида миллий мустақиллик мазмун-моҳиятини кучайтиришга кенг йўл очиб берилди. **Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳотлар**

юксак маънавият ва инсоний баркамоллик негизида олиб борилаётганлиги, уларнинг барчаси уйғун ҳолда ташкил этилаётганлиги сабабли ислоҳотларнинг инсонпарварлик мазмуни тобора кенгроқ бўлмоқда. Ҳукуматимизнинг ислоҳотчилик сиёсати инсонпарварлик маъно касб этмоқда. Ёки Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда «Иқтисодий жиҳатдан эркин меҳнатни тиклаш турмушимизда аста-секин қайтадан қарор топаётган ахлоқий ҳолатдир» (ўша китоб, 148-бет). Ёки «Давлат қурилиши, иқтисодий ривожланиш жараёнлари маънавий камолот, юксак ахлоқийлик билан тўла уйғун бўлмоғи керак. Биз ўз сиёсатимизни шунга мослаб қурамиз ва уни изчиллик билан рўёбга чиқарамиз. Ишонч-эътиқод бўлмаган жойда ташаббускорлик ҳам, бунёдкорлик ҳам бўлмайди», (ўша китоб, 249—250-бетлар).

Дарҳақиқат, иқтисодий ислоҳотдаги биргина хусусийлаштириш ҳодисасини олайлик. Бир қарашда бизга хусусийлаштириш жараёни соф иқтисодий ҳодиса бўлиб кўринади. Хусусийлаштириш деганда кўпгина моддий неъмат, моддий манфаатдорлик, мулкка эгалик қилиш хоҳиш-истаги пайдо бўлади. Кўз ўнгимизда у ёки бу тарздаги, кўп ё оз миқдордаги мулк гавдаланади.

Бироқ, у қайси мамлакатда, қандай ҳолатда ва қандай шаклда амалга оширилаётгани жиҳатидан қараганда ўзига хос мазмун касб этади. Дейлик, Россияда хусусийлаштириш — давлат мулкини талон-торож қилиш ҳодисасига айланиб бормоқда. У ерда хоҳлаган одам хоҳлаган тарзда давлат мулкига эга бўлиб олиш йўлини тутмоқда. Хусусийлаштиришнинг бундай «сиёсати» охир-оқибат мамлакат иқтисодини бутунлай фожиали тарзда издан чиқаришга, хўжакўрсинчиликка, сансалорликка олиб келмоқда. Собиқ Иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан бир қатор мамлакатларда ҳам туб ислоҳотларни ўтказишнинг аниқ дастур ва режалари йўқлиги сабабли сиёсий беқарорлик илдиз отмоқда. Халқ ҳаёти таҳликали тус олмоқда.

Бизда эса хусусийлаштириш ҳукумат раҳнамолигида нафақат иқтисодий, балки ҳуқуқий ва маънавий ҳодисага айлантирилди. Айни пайтда у онгимиз ва тафаккуримизда юз бераётган жиддий инқилоб сифатида тан олинди. Чунки фикрларимиз ва дунёқарашимизда ўзгариш ясамоқда. Инсон ҳақ-ҳуқуқларини тобора чуқурлаштирмоқда, унинг турмуш тарзида янги саҳифа очмоқда. Натижада жамият ҳам, одамлар ҳам сифат жиҳатдан тубдан ўзгармоқда, унинг маънавий қиёфаси анча тиниқлашмоқда.

Туб ислоҳотлар Ўзбекистонда табиатга кўра соф сиёсий, ҳуқуқий ёки иқтисодий моҳиятини йўқотмаган ҳолда маънавий, руҳий-ахлоқий қадрият даражасига кўтарилганлиги сабабли мамлакатнинг ҳам, барча фуқароларнинг ҳам ҳаётида мукаммал, етук ҳодиса сифатида из қолдирмоқда. Иқтисодий ислоҳотларнинг маънавий илдизи тобора чуқурлашмоқда. **Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Бозор муносабатларига ўтиш — ҳаётий етуклик ва сабр-матонатни синовдан ўтказувчи ўзига хос имтиҳондир. Бунда маънавий бўшлиққа ёки кўнглига келган ишни қилаверишга берилишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Шу сабабли биз маънавий-руҳий тикланиш ва покланиш муаммоларига алоҳида аҳамият берамиз. Чинакам цивилизациялашган бозор муносабатлари, бозор воситалари фақат юксак маънавият негизида, юксак ахлоқийлик ва ватанпарварлик негизларида барпо этилиши мумкин»** (ўша китоб 141-бет). Бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг юксак ахлоқий негизи, бой маънавий дастуридир.

Нарзулла ЖЎРАЕВ.

АҚЛ-ИДРОК ТАНТАНАСИ

Бундан роппа-роса йигирма йил муқаддам Суоми мамлакатининг пойтахти Хельсинки шаҳридаги муҳташам «Филландия» саройида Якунловчи акт номи билан тарихга кирган ҳужжат тантанали равишда имзоланди.

Хельсинки Якунловчи акти 20 йиллиги

МИСЛИ КЎРИЛМАГАН АНЖУМАН

Европа ва жаҳон тарихини варақлар экансиз, Хельсинки учрашувига ўхшаш анжуманлар олдинлари ҳам бўлиб ўтганлигини билиб оласиз. Масалан, 1814 йил сентябрь — 1815 йил июлида Венада ўтган Европа мамлакатлари раҳбарлари анжуманини ўз даврида халқлар конгресси деб атаганлар. Аслида унинг қарорлари халқлар манфаатларидан йироқ бўлиб, Наполеонга қарши урушда ғолиб чиққан давлатларнинг ҳудудий, молиявий ва бошқа талабларини қондирган. Париж тинчлик конгресси (1919 йил январь — 1920 йил январь) эса I жаҳон урушида ғолиб чиққан давлатлар томонидан чақирилиб, унда Германия ва иттифоқчиларнинг мағлубияти мустаҳкамланган. Потсдам (Берлин) конференцияси (1945 йил июнь — август)да II жаҳон урушида ғолиб чиққан давлатлар бошлиқларигина қатнашиб, улар инсоният тарихидаги энг қонли — қирғин-барот уруши натижалари хусусида келишиб олдилар.

Хельсинки учрашуви олдинги конгресс ва конференциялардан фарқли ўлароқ, биринчидан, урушнинг якунларига эмас, балки унинг олдини олишга бағишланган йирик анжуман бўлди. Иккинчидан, «Филландия» саройида давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқлари учрашган бўлсалар-да, якунловчи акт ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан халқлар манфаатларини кўзлаган муҳим сиёсий ҳужжат бўлди. Шу нуқтаи назардан 1975 йил июль ойи охирлари — август ойи бошларида Хельсинкида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашув инсоният тарихида ноёб воқеа бўлди.

Ё ҲАЁТ, Ё МАМОТ — МАСАЛАНИНГ МОҲИЯТИ ШУНДА

Умумевропа кенгашини тайёрлаш, чақириш ва ўтказиш тарихи зиддиятлар ва курашга бойдир. Бунга ўн йилча вақт кетганлигининг ўзи шундан далолат.

Европанинг ғарбу шарқида жойлашган барча давлатларнинг раҳбарларини бир жойга тўплаб, қитъанинг энг ўткир масаласи — ялпи хавфсизлик муаммосини жамоавий тарзда муҳокама этиш ҳамда уни амалда таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ғояси пайдо бўлган 60-йилларнинг ўртаси «совуқ уруш» авжига чиққан пайтлар эди. Жаҳонда ҳукмрон бўлиш учун иккала томон ҳам қуролланиш пойгасига астойдил киришганликлари оқибатида қурол-яроғларнинг кўз кўрмаган ва қулоқ эшитмаган турлари кўплаб ишлаб чиқарила бошланди. Хусусан, оммавий қирғин воситаларидан энг даҳшатлиси ядровий қуролларнинг захиралари кундан-кунга кўпайиб борди. Унинг энг катта омборлари икки сиёсий тизим бақамти турган Европа қитъасида эканлиги, бу ерда, шунингдек, икки қудратли ҳарбий иттифоқ — НАТО ва Варшава Шартномаси ташкилотининг энг катта қуролли кучлари мавжудлиги ҳам сир эмасди.

Хуллас, Европа беҳисоб портловчи моддалар тўпланиб қолган ертўлани эслатар эди. Натижада, кичик бир учқун тушиб, у катта портлашга олиб келиши, уруш аланга-си бутун Ер юзига ёйилиб, сайёрамизнинг кули кўкка совурилиши хавфи туғилди.

Аслини олганда, бундай хавф анча олдинроқ, яъни дастлабки атом бомбалари портлатилган вақтдаёқ пайдо бўлган эди-ю, бахтга қарши уни кўпчилик кўрмади. Ҳарбийлар шундай қудратли кучга эга бўлишдан қувондилар, сиёсий арбоблар жаҳонда танҳо ҳукмронликка эришиш ниятларига етишишни у билан боғладилар, авом халқ эса кўзачадан чиқарилган жин тўғрисида ҳали тўла тасаввурга эга эмас эди.

Лекин, атом бомбалари устида ишланаётган кезлардаёқ унинг қандай оқибатларга олиб келишини теран ҳис этган ва дастлабки ядровий қурол Хиросима ва Нагасаки шаҳарлари устида портлатилиши биланоқ, бу ишларни тўхтатишни талаб қилиб чиққан зукко кишилар ҳам бўлди. Жаҳонга машҳур Альберт Эйнштейн, Фредерик Жолио-Кюри, Бертран Рассель, Пётр Капица, Андрей Сахаров кабилар ядровий қурол-яроғларни ишлаб чиқариш ва ишлатишни ман қилишга, бутун инсониятнинг қирилиб кетиш хавфи туғилган шароитда давлатлар ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал қилиш воситаси сифатида урушлардан тамомила воз кечишга даъват этдилар. Чунки, турлича ижтимоий-сиёсий тузумларга мансуб давлатлар ўртасидаги урушларнинг термоядро урушига айланиб, унинг ўтида бутун сайёрамизнинг ёниб кетиши мумкинлиги очиқ ҳақиқатга айланди.

Албатта, қитъанинг барча давлатлари раҳбарларининг бошини қовуштиришдан олдин «совуқ уруш» боис кенг қанот ёзган ишончсизлик илдизларига болта уриш, Ғарбу Шарқ мамлакатларининг икки томонлама муносабатларини жиддий тарзда яхшилаш талаб қилинди. Москванинг Париж билан ўз алоқаларини мустаҳкамлаганлиги, ГФРнинг қатор мамлакатлар билан тинчлик шартномаси имзолаганлиги ва ниҳоят, ядро урушининг олдини олиш, стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги Совет — Америка битимларининг тузилиши шу талабга жавобан қўйилган салмоқли қадамлар бўлди.

Австрия, Дания, Исландия, Норвегия, Швеция, Европанинг қатор бошқа мамлакатлари, АҚШ ва Канада ҳукуматлари Варшава Шартномаси ташкилоти ва Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти ўртасидаги алоқаларнинг Умумевропа кенгашини чақириш хусусидаги таклифини қўллаб-қувватладилар. Финляндия раҳбарияти уни Хельсинкида ўтказиш ташаббуси билан чиқди.

Бироқ, анжуманни ўтказиш масаласининг амалий босқичга кўчиши учун яна икки-уч йил керак бўлди. Фақат 1972 йил ноябрида бошланиб, 7 ой давом этган Европа давлатлари элчиларининг маслаҳатлашувларида бўлажак кенгашни чақириш муддатлари ва унинг кун тартиби тўғрисида дастлабки тарзда келишиб олинди.

1973 йил 3—7 июлда Умумевропа кенгашининг биринчи, Хельсинки босқичи бўлиб, унинг қатнашчилари — Европа мамлакатлари (Албаниядан) ташқари, АҚШ ва Канада Ташқи ишлар вазирлиги анжуман ишининг асосий йўналишларини аниқлаб олдилар. Шу билан бирга кенгашни бевосита тайёрловчи органлар: мувофиқлаштириш қўмитаси, муҳокама этиладиган асосий масалалар юзасидан ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрловчи 3 та комиссия ва 11 та кичик комиссия ҳамда битта махсус ишчи гуруҳи тузилди.

Хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига доир Умумевропа кенгашининг иккинчи босқичи Женевада ўша йилнинг 18 сентябрида бошланиб, 1975 йилнинг 21 июлигача давом этди. Бу босқичда ўта муҳим ва мураккаб масалалар муҳокама этилганлиги шундан кўриниб турибдики, қарийб икки йил ичида комиссиялар, кичик комиссиялар, ишчи гуруҳи ва Мувофиқлаштириш қўмитасининг 2341 та мажлиси ўтказилди. Уларда 4700 га яқин лойиҳа ва таклифлар кўриб чиқилди ҳамда Кенгашнинг асосий ҳужжатини тайёрлашда улар ҳисобга олинди.

Кенгаш ушбу босқичи баённомалари эълон қилинган бўлмаса-да, унинг иши, айниқса, дастлабки пайтларда, жуда оғир кечганини тушуниш қийин эмас. Дастлабки мажлисларда «совуқ уруш» нафаси уфуриб турди. Делегациялар қарама-қарши томоннинг нуқтаи назарини инобатга олмай, ўз фикрларини маъқуллатишга, таклифларини ўтказишга интилдилар. Фақат боши берк кўчага кириб қолиш хавфи борлигини пайқаш ва конценсус (яъни, барча қатнашчиларнинг розилигини олиш) қоидасининг қўллаганлиги туфайли муаммоларни бирин-кетин ҳал этиб, кўзланган маррага етиб олиш мумкин бўлди.

1975 йилнинг 30 июль — 1 август кунлари Хельсинки шаҳрида Умумевропа кенгашининг учинчи босқичи бўлиб ўтди. Унинг ишида 33 та Европа мамлакати, АҚШ ва Канада давлат ҳамда ҳукуматларининг раҳбарлари, БМТ, бошқа йирик халқаро ташкилотларнинг вакиллари, 1500 га яқин журналистлар иштирок этдилар.

Шундай қилиб, Умумевропа кенгаши якунлари янгича тафаккурнинг тантанаси ва айни замонда «совуқ уруш» шароитида кўрсатилган катта жасоратдир.

КИМ ЮТДИ?

«Совуқ уруш» мавқеи кучли бўлган ўша пайтларда Хельсинки учрашуви кимнинг ғалабаси билан тугалланди, Умумевропа кенгашида ким ютиб чиқди, деган саволлар тез-тез эшитилар ва турли жойларда уларга турлича жавоб берилар эди. Чунончи, собиқ Шўролар Иттифоқи раҳбарияти Кенгашга ижобий баҳо бериб, уни ўзининг муваффақияти сифатида баҳолаган бўлса, Ғарбда айрим кишилар Хельсинки учрашувини маданий-маърифий дунёнинг мағлубияти, деб эълон қилдилар.

Умумевропа кенгаши якунларига салбий ёндошиш энг йирик капиталистик мамлакатда анча кучли бўлгани боис 70-80-йиллар чегарасида «совуқ уруш» янада кучайди. Бироқ, Ғарбу Шарқ етакчи давлатлари раҳбар доираларидаги ақл-идрок сиёсати тарафдорларининг изчил саъй-ҳаракатлари, жаҳон афкор оммасининг қатъий даъвати, ҳаётнинг талабигина «совуқ уруш»га қарши кенг миқёсли ҳужумни давом эттириш имконини берди.

80-йиллар ўрталарида қайта қуриш сиёсати туфайли Хельсинкида асос солинган ишни давом эттириш ва ривожлантириш учун янги имкониятлар очилди.

ХЕЛЬСИНКИ САБОҚЛАРИ

Ортда қолган 20 йиллик масофадан туриб, Хельсинки анжумани ва унинг асосий ҳужжатига холис баҳо бериш анча осондир. Зеро, Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг вақтида ўтганлиги, агар у бироз кечикса, унинг оқибатлари қанақа бўлишлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Хўш, қандай сабаблар унинг ўтказилиши ва муваффақиятли тугалланишини таъминлади? Энг биринчи ва бош сабаб — бир-бирига қарама-қарши турган Шарқу Ғарбнинг, бир-бирига душманлик кўзи билан қараб келган барча томонларнинг тарих олдидаги масъулиятни теран ҳис этиб, умумий мақсадлар сари қилган биргаликдаги ҳаракатларидир.

Кенгаш муваффақиятини таъминлаган яна бир муҳим омил шу бўлдики, унинг иштирокчилари мафкуравий уруш йилларида тўпланиб қолган қийинчиликлар, тўсиқлар, тушунмовчиликлар олдида чекинмадилар, аксинча, уларни бартараф этиш, ўзаро ишонч муҳитини юзага келтириш учун қатъий ҳаракат қилдилар. Ҳа, Хельсинки ниятлар холис, ўзаро ишонч мустаҳкам бўлса, ҳар қандай чигал халқаро муаммонинг ечимини топиш мумкинлигини исботлади. Ушбу анжуман давлатлар раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари кенг жамоатчиликнинг, халқларнинг қатъий талаблари билан уйғунлашгандагина яхши самара бериши мумкинлигини амалда кўрсатди.

Хельсинки учрашуви якунларидан чиқарилган яна бир муҳим хулоса шундан иборатки, ҳар қандай халқаро анжуманни ўтказиш ва унда тегишли ҳужжатларни қабул қилгандан кейин уларда ифода этилган ғоялар, келишилган қоидаларни рўёбга чиқариш учун тинмай ҳаракат қилиш, янги-янги ташаббуслар билан майдонга чиқиш лозим. Умумевропа кенгаши қарорларини амалга ошириш учун унинг қатнашчилари ҳавас келтирадиган даражада қатъият кўрсатмоқдалар. Шу мақсадларда Белград, Мадрид, Москва, Стокгольмда Кенгаш Якунловчи актининг асосий йўналишларига доир халқаро конференциялар ўтказилди, Европада ядровий ва оддий қурол-яроғларни қисқартиришга қаратилган шартномалар тузилишига эришилди, тинч йўл билан икки немис давлатининг бирлашиши таъминланди. Қитъа давлатларининг ўзаро муносабатларига замонавий руҳ бағишловчи Париж хартияси қабул қилинди. Шунингдек, Кенгаш доимий ҳаракатдаги Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига айлантирилиб, у турли минтақаларда можароларни бартараф этишга бераётган кўмагини кучайтирди.

Хельсинки руҳи, Якунловчи акт қоидаларининг ҳаётийлиги тўла исботланди. Собиқ Шўролар Иттифоқи емирилгандан кейин нафақат Европада, балки Осиё қитъасида жойлашган янги мустақил давлатлар ҳам ушбу нуфузли ташкилот аъзоси бўлдилар. Нафақат, Европа, балки Осиё қитъасида жойлашган янги мустақил давлатлар ҳам ЕХҲТ аъзоси бўлдилар. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 1992 йил 26 февраль куни Хельсинкида Умумевропа кенгаши Якунловчи актига имзо чекканидан буён Ўзбекистон ушбу ташкилот билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Юртбошимиз «Ўзгаришлар даври даъвати»ни қабул қилган Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши қатнашчилари олий даражадаги учрашувида иштирок этди. ЕХҲТга аъзо бўлган мамлакатлар давлат бошлиқларининг Будапешт конференциясида сузлаган нутқида, ҳозирги замон шароитида унинг ўрнини босадиган бирон-бир тацкилот йўқлигини таъкидлаб, иштирокчилар эътиборини МДҲ мамлакатлари иқтисодиётини жаҳон иқтисодиёти билан мувофиқлаштириш, минтақавий низоларни бартараф этиш, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги мажбуриятларга қатъий риоя қилиш, экологик, хусусан Орол муаммосидек, долзарб масалаларга тортди ва уларни ҳал этиш юзасидан аниқ таклифларни олға сурди.

Айтиш мумкинки, республикамизнинг Европа мамлакатлари билан ҳамкорлиги кундан-кунга ривожланаётган экан, бунда ЕХҲТнинг ҳам маълум ҳиссаси бор.

Хулоса шуки, йигирма йиллиги нишонланаётган Умумевропа кенгаши ҳалқаро муносабатлар ривожига катта ижобий таъсир кўрсатган муҳим сиёсий воқеа, ақлидрок тантанаси эди ва шундай бўлиб тарихдан муносиб ўрин эгаллади.

Собир ҚУРБОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИГА 1995/96 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ТИНГЛОВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 19 апрелдаги Фармонига биноан академиянинг асосий вазифаси давлат бошқаруви ва жамоат ташкилотлари тизимларининг раҳбарлик лавозимлари учун янги талабларга жавоб берадиган, юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан иборат. Ўқув жараёни ўз ичига кадрларнинг сиёсий, маданий, маънавий ва профессионал тайёргарлик мажмуини қамраб олади. У тингловчиларда ўз соҳасининг билимдони, ташаббускор, муаммоларни ҳал қилишга ижодий ёндашадиган, умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланган замонавий тафаккурни шакллантиришга қаратилган.

Ўқув дастури ривожланган хорижий давлатларда тўпланган ижобий тажрибалар ҳамда Ўзбекистоннинг бой маънавий ва миллий анъаналарини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Академия ўқув жараёнида тингловчиларга бой маданий, ахлоқий, маънавий қадриятларнинг сингдириб, шу асосда уларнинг янги шароитларга тез ва машаққатсиз мослашишлари, ўзларининг янгиланган давлатини қуриш ва ислоҳ қилиш жараёнининг фаол қатнашчилари бўлишига имкон яратади. Академия битирувчилари ижтимоий йўналишдаги барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга салмоқли ҳисса қўшишлари лозим.

Академия Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилиши истиқболини мустаҳкамлайди, янги демократик жамиятнинг шаклланишида давлатнинг тутган ўрни муаммоларига доир илмий-услубий тадқиқотларни мувофиқлаштиради ва амалга оширади.

Академияга тингловчилар ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбар ходимлари, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, хўжалик тузилмалари раҳбарлари орасидан қабул қилинади. Академияда ўрта бўғин бошқарув органлари мутахассислари ва раҳбарлари ҳамда тадбиркорлик тузилмаларининг истеъдодли вакиллари таҳсил олиши мумкин.

Тингловчилар олий ўқув юртини битиргандан сўнг камида икки йил меҳнат стажига эга бўлган олий маълумотлилар сафидан танланади.

Академия қуйидаги икки факультетдан ташкил топган:

а) давлат ва жамият қурилиши;

б) бозор иқтисодиёти ва тамойиллари.

Академияда ўқитиш муддатлари:

ўқитиш — 10 ой;

қайта ўқитиш — 3 ой.

Академия тингловчилари учун хорижий илғор ўқув ва илмий марказлар, халқаро ташкилот ва фирмаларда ўқув-таништирув машғулотлари ва стажировкалар ташкил этилади.

Академиянинг 10 ойлик ўқув дастурини тўлиқ ҳажмда тугатган тингловчиларга танланган мутахассислиги бўйича белгиланган шаклда магистр даражасидаги давлат дипломи берилади.

Академиядаги ўқишни муваффақиятли тамомлаган тингловчилар сафидан раҳбар лавозимлар номзодларининг резерви шаклланади. Академияни битирганлар нуфузли давлат муассасаларининг раҳбар ходимлари лавозимларига қабул қилинишда алоҳида имтиёзга эга бўладилар.

ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

1. Академияга тингловчиларни қабул қилиш қабул комиссияси томонидан амалга оширилади. Қабул комиссиясининг таркиби академия ректори томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташкилий-кадрлар сиёсати бўйича давлат маслаҳатчиси билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

2. Академияга тингловчиларни қабул қилиш Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан белгиланган ўринларга қараб амалга оширилади.

3. Ҳужжатлар 5 сентябргача қабул қилинади.

Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

— давлат, жамоат ёки хўжалик тузилмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят (Тошкент шаҳар) ҳокимлиги раҳбариятининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташкилий-кадрлар сиёсати бўйича хизмати билан келишилган ҳолда тайёрланган йўлланма-тавсияномаси;

— тавсия этилаётганнинг аризаси;

— олий маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;

— сўровнома;

— меҳнат дафтарчасидан кўчирма;

— 086/у — шаклда тиббий маълумотнома;

— 4х6 сантиметр ҳажмидаги 4 та фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

4. Академияга кириш имтиҳонлари 15 сентябрдан 25 сентябрга қадар суҳбат ва компьютер тест синовлари орқали ўтказилади.

Тест синовлари мутахассисликларга қараб қуйидаги муайян фанлар мажмуи асосида ўтказилади:

давлат ва жамият қурилиши бўйича — Ўзбекистон тарихи, ҳуқуқшунослик, иқтисод;

бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари бўйича — иқтисод, ҳуқуқшунослик, информатика, маркетинг ва менежмент.

Ижтимоий сиёсий мавзу ва чет тили (инглиз ва бошқа тиллар) бўйича суҳбат ўтказилади.

Суҳбат ва тест синовлари икки — ўзбек ва рус тилларида ўтказилади.

5. Академияга танлов қабул комиссияси томонидан Ўзбекистон республикаси Президентининг ташкилий-кадрлар сиёсати бўйича хизмати иштирокида амалга оширилади. Танлов суҳбат ва тест синовлари натижалари асосида рейтинг усулида (таълим йўналишлари ва тиллари бўйича алоҳида-алоҳида) ўтказилади.

6. Иккинчи мутахассислик бўйича тингловчиларни ўқитиш манфаатдор корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда алоҳида шахслар билан тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Ўқиш муддати давомида тингловчиларнинг асосий иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади. Бошқа шаҳарлардан келган тингловчиларга таҳсил мобайнида асосий иш жойи бўйича ўқиш жойигача бориш ва қайтиб келиш йўл ҳақлари ва суткалик харажатлари тўланади ҳамда улар ўқишга йўлланган ташкилот томонидан харажати қопланадиган ётоқхона билан таъминланади.

Бошқа давлатлар фуқаролари шартнома (контракт) асосида ўқитилади.

Шартнома (контракт) тузиш шартлари ҳамда ўқиш учун тўлов миқдори академиянинг қабул комиссияси томонидан белгиланади.

7. Қабул комиссиясининг қарори 30 сентябрдан кечиктирилмай эълон қилинади. Ушбу қарор академия ректорига тингловчиларни ўқишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқларни расмийлаштириш учун асос бўлади.

Тўлов-шартнома асосида ўқишга кираётган шахслар қабули уларнинг ўқиши учун белгиланган тўлов академия ҳисобига ўтказилганидан сўнг амалга оширилади.

Ҳосил—95

ҚУМЛОҚДА ЕТИШТИРИЛГАН ҒАЛЛА

Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманидаги Эргаш Жумбулбул ўғли номли ижара хўжалигида тажрибали, миришкор ғаллакорлар кўп. Мингбой Рузиев ана шулардан бири. Мингбой ака кўп йиллардан буён баҳорикор майдонда ғалла етиштириб келади. Бу йил у киши яна бир янгиликка қўл урди. 150 гектар қумлоқ ерда ғалла етиштирди. Қурғоқчиликка нисбатан чидамли «Сурхон» навли буғдойдан туманда биринчилардан бўлиб гектарига 90 центнердан дон йиғиштириб олинди. Ш. Ёлғашев, Э. Эшматов, И. Ёрмонов, М. Эгамбердиев сингари комбайнчилар ўримни, қисқа муддатда тугаллашди. Ғалладан бушаган ер пешма-пеш шудгорланди. Шунингдек, хўжаликка кўп миқдорда сомон ҳам етказиб берилди. Келгусида қумлоқда етиштириладиган ғалла миқдори яна 600 гектарга кўпайтирилади. Бунинг учун ҳозирдан тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Убайдулло ХЎЖАНИЁЗОВ.

ТАШКИЛОТ

Пахта, пахта толаси, пахта калавасини

СОТИБ ОЛАДИ

Пул ўтказиш йўли билан ва нақд пулга:

— Германия ва Австрияда ишлаб чиқарилган музлатгич пештахталари;

— озиқ-овқат, гўштли консерва, 100 фоизли мевали шарбат, қандолат ҳамда вино-арақ маҳсулотларини

СОТАДИ



Маълумот учун телефонлар: 45-70-65, 45-55-65.

"JUR ВЕК"

"ЖЎРАБЕК" ХУСУСИЙ ДОРИХОНАСИ ЧОРЛАЙДИ!

Бугунги кунда аҳолининг дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ***"Жўрабек"*** хусусий дорихонаси жаҳондаги кўплаб фармацевтика саноати корхоналари, фирмалари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Жумладан, Англиянинг ***"Стерлинг Хелс"*** фирмасидан харид қилинган оғриқ қолдирувчи ва иситма туширувчи ***"Панадол"*** дорисининг саккиздан ортиқ тури чақалоқдан тортиб то кекса беморларгача даволашда бебаҳо малҳам бўлмоқда.

Panadol Tablets

ХУРМАТЛИ МИЖОЗЛАР!

Дори-дармонлар танқис бўлиб турган бугунги кунда Сиз учун фақат "Жўрабек" хусусий дорихонасигина дунёнинг исталган бурчагидан дардингизга малҳам бўладиган зарур дори-дармонларни топиб, етказиб бера олади!

ДОРИХОНАМИЗ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, "Бешёғоч" маҳалласи, Олмазор кўчаси, 165-уй. Телефон: 45-60-40, факс: 45-41-46.

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"

ЎЗБЕКИСТОН-БЕЛАРУСЬ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

сўмда пул ўтказиш йўли билан Тошкентдаги омборхонадан

МАЗ туркумидаги автомобилларни, МТЗ экскаваторлари ва тракторларини, автомобиллар ва тракторлар учун бошланғич бутликдаги: Д-243, Д-245, ЯМЗ-238-2М двигателларини СОТАДИ.



Нархлари заводникидан арзон.

Манзил: Тошкент, Ш.Руставели кўчаси, 140-уй.

Алоқа учун телефонлар: /3712/ 50-06-13, 50-94-77, 50-95-07.

"Ўзбекмашсервис"—ҳамкорликка чорлайди!

Ишлаб чиқариш

ҚЎҢҒИРОТ СОДА ЗАВОДИ

· НУКУС (мухбиримиздан). Устюрт ясси тоғларидаги ерости бойликларини ўзлаштиришда дастлабки ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Марказий Осиеда ягона ҳисобланган Қўнғирот сода заводининг қурилаётгани ўзига хос воқеа бўлиб турибди. Корхона лойиҳасини харьковлик мутахассислар билан республикамиз лойиҳачилари яратишган. Йилига 190 минг тонна кальций содаси ишлаб чиқаришга мўлжалланган заводнинг дастлабки навбати 1998 йил иккинчи ярмида фойдаланишга топширилади. Корхона жами 70 гектарли майдонни эгаллайди. Қурилиш ишларини эса «Оролсувқурилиш» бирлашмаси амалга оширмоқда. Уларга Чехия, Австрия, Италия, Германия мутахассислари кўмаклашишмоқда. Заводнинг биринчи навбати биттач, 3,5 минг киши иш билан таъминланади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Саломатлик

ЯНГИБОЗОР ШИФОБАХШ СУВИ

· ХОРАЗМ (мухбиримиздан). Янгибозор туманидаги «Москва» жамоа хўжалигида шифобахш сув манбаи топилди.

«Ўзбекгидрогеология» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Орол бўйи гидрогеология экспедицияси мутахассис техник ходимлари олиб борган қидирув ишлари уз самарасини берди. «Дорисиз даволаш маркази» ҳудудида олиб борилган кавлаш ишлари 620 метрли чуқурликка борганда шифобахш сув сизиб чиқди. Сув ҳарорати 37-39 даража бўлиб, саломатликни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган маъдан моддаларга бойлиги аниқланди. Ҳозир шифобахш сувни қадоқлаш цехини қуриш ишлари бошлаб юборилган.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

"ДИНА"

ҳуқуқий компанияси

— мулкчиликнинг ҳар қандай шаклидаги корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари мажмуаларини ишлаб чиқиш, корхоналарнинг муҳрларини тайёрлаш, банкда ҳисоб рақамини очиш билан бирга, тайёр ҳолда рўйхатдан ўтказиб бериш бўйича хизматларни кўрсатади.

Шартномаларни тузган мижозлар:

— кичик бизнес корхоналари ишини ташкил этиш;

— фуқаролар ва ташкилотларга меъёрий ҳужжатларни тақдим этган ҳолда, жорий қонунчилик бўйича юридик хизматлар кўрсатиш юзасидан бепул маслаҳатлар оладилар.

Алоқа учун телефонлар: 79-14-77, 79-14-78, 72-35-31.

Манзилимиз: Тошкент, "Халқлар дўстлиги" кўчаси, 29-уй "Собир Раҳимов" метро бекати.



ОТАХОНЛАР ОРОМГОҲИ

· ҚАРШИ . Вилоят марказида 5 гектарлик майдонда отахоналар оромгоҳини қуриш жадал олиб борилмоқда.

Оромгоҳда фахрийларни ҳордиқ чиқариб, саломатликларини тиклашлари учун шароит етарли бўлади. Хусусан, чойхона, маиший хизмат кўрсатиш уйлари ҳам қурилади. Ҳозир бундай узига хос боғлар Қамаши, Ғузор, Косон, Муборак, Китоб, Шаҳрисабз туман ва шаҳарларида барпо этилган.

Шуҳрат ҚОСИМОВ.

Санъат

СОЗНИНГ СИРЛИ САДОЛАРИ



Кўпдан бери Адҳам ака билан гурунг қилиш ниятим бор эди. Яқинда устахонасида бўлдим. Мўъжазгина хонада деворга қатор созлар илинган. Бир четда текис йўнилган дасталар билан ичи ковланиб, атрофи ишлов берилган «коса»лар. Ўрам-ўрам симлар, ивитилган терилар, керакли асбоб-анжомлар...

Қисқаси, қаршида «соз ясайдиган зўр уста» деб танилган Адҳам Раҳимов билан суҳбатимиз шундай бошланди:

— Бу ноёб ҳунарга қачондан қўл ургансиз?

—Кеч бошлаганман. Асли отамиз уста бўлгани учун соз чалишга қизиқардим. Тошкентдан ўқишни битириб келгандан кейин (мутахассислигим банк ходими) ҳам соз чалиб, ҳам қўшиқ айтишни канда қилмадим. Қаршида бир уста бўларди, шу кишидан тор ясаб беришни сўрадим. Тайёр торлари бор экану, лекин негадир менга ёқмади... Наҳот шундай созларни ўзим ясай олмасам деб ўйладим ва ясашга уриниб кўрдим. Тўғриси, бу шижоат менда қандай пайдо бўлганига ҳайронман. Дастлабки уринишларим кўнгилдагидек чиқмади. Кейинчалик қўлим келиб қолди.

— Бир йилда нечта соз ясайсиз?

— Кўпинча буюртма асосида ишлайман. Бир йилда кўп бўлса учта ёки тўртта. Баъзида битта соз устида йиллар кетади. Келадиган моддий манфаатни эмас, меҳрни бериб ишласа соз чиройли чиқади.

— Нималардан ясалади?

— Кўпинча тут, ёнғоқ ёки дубдан.

— Уларни қаердан топасиз?

— Жойларда дўстларим бор. Ким топиб келишидан қатъи назар пулини тўлайман.

— «Наво» деган чолғу яратган экансиз?..

— «Наво»ни Алишер Навоийнинг 550 йиллиги олдидан ясаганман. Унда ғижжак билан скрипканинг оралиғидаги товуш бор. Лекин иккаласига ҳам ўхшамайди.

— Дутор, танбур, уд, най сингари ўзбек миллий чолғулари боболаримиз мероси. Негадир ҳозирги кунда чолғу ясайдиган усталарда, менинг назаримда, ижодий изланиш, чинакам яратувчилик кам?

— Тўғри, ўтмишимизни олиб қарайдиган бўлсак, Навоий замонасида Ҳиротда чолғувчи, қўшиқ айтувчи, соз ясовчи усталар кўп бўлган. Иккинчидан, улар чолғу асбоблар устида жиддий меҳнат қилганлар. Ҳозир-чи? Яратувчиликни қўйиб турайлик, кўпинча усталар ўзлари ясаган созни тушунмайдилар. Қуруқ шаклни ясаган билан соз бўлавермайди. Унга жон киритиш лозим. Айни пайтда миллий асбобларга эътибор сусайиб кетяпти. Қайси тантана, қайси тўйни қараманг, электр асбоблари...

— Нима, сиз бунга қаршимисиз?

— Йўғ-е, демоқчи бўганим — электр асбобларини меъёри билан, ўз ўрнида ишлатиш керак. Ижро этиладиган куй ва қўшиқда миллий руҳ сезилиб турсин.

— Сиз билан ҳамкасбларингиз орасида рақобат борми?

— Йўқ, мендан бошқаям яна Қаршида соз ясовчи усталар кўп. Улар билан борди-келди қилиб турамиз. Иш давомида қайси бир устага нимадир етмаса бегараз ёрдамлашаман.

— Одамлар сизни яхшигина хонанда сифатида ҳам биларкан....

— Тўй-ҳашамларда кўринмай қўйдингиз демоқчисиз? 1986 йилдан буён қўшиқ айтмаяпман. Сабаблари бор, бир фарзандим...

— Узр, дардингизни қўзғаб қўйдим. Анча йиллар илгари пойтахтлик бир уста «Манзур» деган чолғу ясаган эди. Шу ҳақдаги фикрингиз?

— «Манзур» ўзбек чолғу асбобларига қўшилган, овози сал паст, лекин сирли садолари бор, янги соз. Уни Муҳаммадназир Юнусов ясаган.

... Саволларим кўп эди. Лекин ўзимнинг эмас, устанинг вақтини қизғандим. Кетаётганимда ҳужрада осиғлиқ созларни яна бир-бир кўздан кечирдим. «Муножот»у «Чўли Ироқ»ларни жисмидан қон сингари сиздирган не-не асрларнинг ҳиди келадигандек эди бу чолғулардан.

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Божхона бекати

ТУЗОҚДАГИ ЧЎПОН

Зикир Муллабоевнинг касб-кори чўпонлик. Китоб туманидаги «Паландара» жамоа хўжалигида ишлайди. У яйлов заҳматкашларининг ташвишлари янада ортган шу кунларда бирдан бойимоқчи бўлди. 2200 килограмм гуруч, 1050 килограмм ўсимлик ёғини қишлоқдоши Мўмин Бобоев бошқараётган «ЗИЛ-131» русумли «99-38 КФМ» давлат белгили юк машинасига ортдию, ҳайю-ҳай деб ўзи яхши билган тумандаги Жовуз қишлоғининг одам юрмас эгри-бугри йўллари орқали Тожикистон Республикасига отланди. Буни қарангки, вилоят божхонасидагилар бу жойларга ҳам тузоқ қўйишган экан. 35350 сўмлик истеъмол моллари мусодара қилиниб, йўлда «бирор корҳолимга ярар» деб чўнтагига солган 450 сўмни акахон жаримага тўлади. Энди эса терговчилар ҳузурига қатнаб юрибди.

ФАРҲОДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

Божхона ходимлари сўрашди, Фарҳод Қурбонов жавоб қилди:

— Сиз тушган машинанинг текис йўл қолиб, тупроқ, тор кўчага солинишидан мақсад?

— Сизларга чап бериш, албатта.

— Унинг устига нима ортилганини билсак бўладими?

— Кўринг. Селитрадан бўлак вақо йўқ.

У тўғри айтган экан. Савол-жавоблардан равшан бўлдики, юк Туркманистонга олиб кетилаётган экан. «Ўзбекистон мустақиллиги» жамоа хўжалигида фаолият кўрсатаётган «Фарҳод» фирмасининг директори Фарҳод Қурбоновга тегишли бўлган 40 минг сўмлик 20 тонна кимёвий ўғит давлат ҳисобига мусодара қилинди. Ундан 1500 сўм жарима ундириб олинди.

Қалтис ишнинг қийиғини маъмурий ташкилотлар қидиришяпти.

БИР БАҲЯ ҚОЛГАНДА

«Ал-Салим» Қарши шаҳридаги фирмалардан бири. Агар шу корхона раҳбарининг ўринбосари Рустам Раҳмонқулов қоида-қонунга зид ўлароқ, ўзига тегишли 38090 сўмлик 293 жуфт чойшабни Русиянинг Заринск шаҳрига ҳеч қандай ҳужжатсиз жўнатишга бир баҳя қолганда қўлга олинди.

Темир йўл шоҳбекатида бунга йўл бермай, устаси фаранг йигитнинг молларини мусодара қилиб, ўзини катта миқдорда жарима тўлашга мажбур этишди.

Ҳали бу ҳолва эмиш. Суриштирув органлари ходимлари қонунбузарга атаб қўйган «совға»ларимиз йўқ эмас, дейишяпти.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ.

БУГУН – ШВЕЙЦАРИЯ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ КУНИ

Roche

ЕВРОПА ҚИТЪАСИДАГИ ГЎЗАЛ ДИЁР — ШВЕЙЦАРИЯНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ — МУСТАҚИЛЛИК КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ШВЕЙЦАРИЯНИНГ «Ф. ХОФФМАНН-ЛЯ РОШ» ФИРМАСИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ БАРЧА ВАТАНДОШЛАРГА ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ҲАМКАСБЛАРИГА САМИМИЙ БАЙРАМ САЛОМИНИ ЙЎЛЛАЙДИ.

Швейцариянинг «Ф.Хоффманн-Ля Рош» фирмасига 1896 йилда асос солинган бўлиб, бугунги кунда у фармацевтика препаратлари илмий-тадқиқотлари ва ишлаб-чиқариши соҳасида жаҳонда танилган пешқадам корхоналардан бири ҳисобланади. Фирманинг дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи юзлаб йирик заводлари Европа, Осиё, Америка, Лотин Америкаси, Австралия, Жанубий-Шарқий Осиё, Африкадаги барча йирик давлатларда жойлашган. Фирманинг илмий лабораторияларида, корхоналарида ва ваколатхоналарида 78 мингдан зиёд ходим меҳнат қилади.

Фирманинг ваколатхоналари жаҳоннинг 124 мамлакатида ишлаб турибди. Фирманинг дори-дармонлари юқори даражада ишончли бўлиши мунтазам олиб бориладиган илмий-тадқиқотлар билан таъминланади. Бунинг учун фирма соф даромадининг 20 фоиздан зиёди (1994 йилда бу харажат 2,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этган) сарфланади. 1994 йилда 10,5 миллиард доллар баҳосида дори-дармонлар ва медицина диагностикаси воситалари сотилди.

Фирманинг кўп тарқалган дори-дармонлари юқумли касалликларга қарши препаратлар, витаминлар, нейропсихиатрик, онкологик, дермотологик, оғриқ қолдирувчи, наркотик ва бошқа дори-дармонлардан иборат. Паркинсон хасталигини даволаш учун (1975 й). Мадопар, псориазни даволаш учун (1983 йил) Тигасон, Роцефин антибиотиги ғоятда шифобахш таъсирчанлиги учун Нобель мукофотига ўхшаш фармацевтика соҳасидаги Гален мукофоти билан тақдирланган. Ҳозирги пайтда компанияда Нобель мукофоти совриндорига сазовор икки киши ишламоқда.

Компания Ўзбекистон Республикасидаги соғлиқни сақлаш ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор. У бунинг учун Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент шаҳрида ўз ваколатхонасини очган. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ўзининг дори-дармон препаратлари бўйича халқаро симпозиум ўтказди. Консигнация шароитида соғлиқни сақлаш корхоналарига дори-дармонларни кўп табақали етказиб беришни таклиф қилди. Ҳозирги пайтда ЕС қарзи эвазига 1.700 минг АҚШ доллари ҳажмида дори-дармонларни етказиб бериш юзасидан шартнома тузди. Фирманинг Тошкентдаги ваколатхонаси Ўзбекистонга дори-дармонларни етказиб бериш бўйича иккала давлат ўртасидаги шартномаларнинг ижросини назорат этиш ва Ўзбекистоннинг медицина муассасалари билан янада яқиндан ҳамкорлик қилиш мақсадида тузилган. Фирма ваколатхонасининг ходимлари бозорни, минтақанинг «Ф.Хоффманн-Ля Рош» фирмасининг дори-дармонларга бўлган талабини синчиклаб ўрганадилар. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳудудида компаниямизнинг инвестицияси ҳисобига фирма дори-дармонларини ишлаб-чиқарувчи қўшма корхоналарни ташкил этишдаги иштироки ҳам кўриб чиқилмоқда.

Фирманинг дори-дармонларини Олмазор кўчаси, 165-уйдаги «Жўрабек» хусусий дорихонасидан сотиб олишингиз мумкин. Тел: 45-60-40.

Швейцариянинг «Ф.Хоффманн-Ля Рош» фирмасининг Тошкентдаги ваколатхонаси телефони: (3712) 39-45-16.

Спорт

Теннис

ХАЛҚАРО МУСОБАҚА ОЛДИДАН

Шу кунларда Тошкентда профессионал теннисчилар ассоциацияси (АТП) супервайзери швециялик Томас Карлберг меҳмон бўлиб турибди.

Мамлакатимизда Президент кубоги учун иккинчи марта ўтказиладиган халқаро мусобақага тайёргарликни кўздан кечирувчи инспекцияга бошчилик қилаётган бу меҳмон «Юнусобод» теннис мажмуини бориб кўрди. Унга ҳамкорлик қилаётган мусобақа бош ҳаками Данни Гелли (Исроил) ҳам расмий кузатувчи сифатида иштирок этмоқда. Меҳмонлар кубок учун курашга тараддуд борасида ижобий ўзгаришлар борлигини эътироф этдилар. Шунингдек, улар Тошкентдаги Ҳиндистоннинг «Тата» фирмаси барпо этган меҳмонхонани ҳам кўздан кечириб, теннисчилар учун жуда мос эканлигини қайд этишди.

Футбол

ЙИРИК ҲИСОБЛАР

Олий лига жамоалари мамлакат миллий чемпионатининг ҳал қилувчи давраси ўйинларини бошладилар.

Саккиз учрашувдан олтитасида йирик ҳисоблар қайд қилинди. Бу иккинчи давра ўйинларини шиддатли ва ҳужумкор бўлишидан нишона. Чунки, бу даврда мамлакат чемпионларию омади юришмаган жамоалар тақдири ҳал бўлади. Пешқадам «Нефтчи» футболчилари «Машъал» ўйинчиларини қабул қилиб, еттита жавобсиз тўп киритишди. Фарғоналик футболчилар 13-ғалабадан кейин очколарини 41 тага етказишди. Йирик ҳисоблар шунингдек, «Суғдиёна» — АСК (4:0), МҲСК — «Янгиер» (4:1), «Навбаҳор» — «Атласчи» (5:0), «Нурафшон» — «Чирчиқ» (4:0), «Темирйўлчи» — «Навруз» (3:3) ўйинларида ҳам қайд қилинди. «Политотдел» — «Трактор» ўйинида ҳисоб очилмади. Пахтакорчилар эса диномочилар майдонида ғалаба (2:1) қозонишди. Шундай қилиб юқори ўринларни эгаллаб турган жамоалар мавқеларини янада мустаҳкамлашди.

ЛИЦЕЙГА МАРҲАМАТ!

САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ РЕСПУБЛИКА ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИ 1995-1996 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лицей-интернатга қишлоқ мактабларининг тўққизинчи синфини «аъло» ва «яхши» баҳолар билан тугатган ўқувчилар қабул қилинади.

Ҳужжатлар 25 августгача қабул қилинади.

Машғулотларни институтнинг профессор-ўқитувчилари ўзбек тилида олиб борадилар.

Лицейга ўқувчиларни танлаш тест синовлари (суҳбат) асосида 26 августдан 30 августгача ўтказилади.

Машғулотлар 1995 йилнинг 1 сентябридан бошланади.

Лицейга қабул қилинган ўқувчилар ҳамма шароитлари мавжуд бўлган ётоқхона ва тўрт марта иссиқ овқат билан бепул таъминланади.

Лицейга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

— лицей директори номига ота-оналари розиликлари кўрсатилган ариза;

— 9-синфни битирганлик тўғрисида шаҳодатнома;

—3х4 ҳажмидаги 4 дона фотосурат;

— соғлиғи тўғрисида У-86 тиббий маълумотнома.

Лицейда иқтисодиёт (бухгалтерия ҳисоби ва аудит, маркетинг), молия ва кредит (солиқ ва солиқ солиш), табиий фанлар, чет тили ва ҳисоблаш техникаси йўналишлари бўйича ихтисослаштирилган таълим берилади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 703000. Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 9.

Лицейга ҳужжатлар институт ҳовлисидаги спорткомплекс биносининг 1-қаватида олинади.

ТЕЛЕФОН: 33-38-72.

ШЎРИГА... «ШЎРВА» ТЎКИЛДИ

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

Жиноятчининг кечиримлиси бўлмайди, Ватани ҳам. Қарангки, жиноятчиларнинг эса кўпи беватан бўларкан. Ана шундай саёқлардан бир гуруҳи яқинда ўз жазосини олди.

Никитин гуруҳи... Уни Ўзбекистонда ҳам Қозоғистондагичалик ёмонлар танийди. Бир неча оғир жиноятларни содир этгач, Никитин ўзининг фикри бузуқ ошналари Сергей Кулик, Евгений Федоренколар билан Ўзбекистонда қўним топди. Уларни Бухорога, Когон шаҳрига чорлаган Ш. Тўқсонов билан Оренбургда тоғ-кон саноатида ишлаган Ш. Тўқсонов ўртасида ёзишмалар бўлган. Ш. Тўқсонов Никитинга ўзининг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилиб, ёзишмаларини давом эттиришни сўраган. Никитин ҳам ўзининг ҳаёти ҳақида ёзиб, Ш. Тўқсоновга ўзининг суратини юборган. Ш. Тўқсонов Никитинга ёзган хатларида ўзининг ҳаёти ҳақида ёзиб, Никитинга ўзининг суратини юборган. Никитин Ш. Тўқсоновга ёзган хатларида